



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 3 июнь, пайшанба • 23 (3551)-сон

## ҒАЛЛАГА УРОҚ ТУШДИ



Майдондан хирмонгача деҳқон тер тўкиб меҳнат қилди. Энди хирмондаги доннинг бир мисқолини ҳам нест-нобуд қилмай дастурхонимизга қўйиш ҳар биримизнинг вазифамиз бўлмоғи лозим.

## ВАЗИРЛИКДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Хитой Халқ Республикасининг Жамоат хавфсизлиги вазири ўринбосари Ян Хуаньнин раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди.

Меҳмонларни республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Т. Муллажонов қабул қилди. У ўзаро суҳбат чоғида мамлакатимиз ички ишлар идоралари Хитой халқ республикаси билан гиёҳвандлик моддаларининг ғайриқонуний айланиши, диний экстремизм, сепаратизм ва терроризмга қарши кураш борасида самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини қайд этди. Хавфсизлик доирасидаги саъй-ҳаракатлар, қолаверса, ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг янада юқори босқичга кўтарилиши ҳар икки мамлакатда тинчлик ва осойишталик таъминланишига хизмат қилишини таъкидлади.

Ўз навбатида Ян Хуаньнин юртимизга, хусусан, Ички ишлар вазирлигига аввал ҳам ташриф буюргани, шу боис қадрдон дўстлар даврасида ўзини худди уйдагидек ҳис қилаётганини мамнуният билан изҳор этди. У жиноятчилик, халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш масалаларида мақсадлар муштарак эканлиги, бу борада Хитой-Ўзбекистон алоқалари янада мустаҳкамланиши лозимлигини айтиб ўтди.

Мулоқот чоғида республика ИИВ ЭКБ бошлиғи, милиция полковниги Г. Никишин жаноб Ян Хуаньниннинг аввалги ташрифида топширган гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни тадқиқ этиш бўйича компьютерлашган лаборатория мажмуи ёрдамида кўплаб ижобий натижаларга эришилаётганини қайд этди. Бунга жавобан ХХР делегацияси раҳбари ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларни янада ривожлантиришга тайёр эканини маълум қилди.

Шундан сўнг томонлар ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гао Юйшэн, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Х. Ибрагимов, Ташкилий инспекторлик бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги А. Жўраевлар иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган тахририятининг «ПОСТДА» ва «НА ПОСТУ» газеталари ҳамда «QALQON» ва «ЩИТ» журналларига 2004 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда.

Жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи хотиралари, суд очеркларига қизиқсангиз, нашрларимизга обуна бўлинг. Газета ва журналларда мамлакатимиз ва дунё спорт янгиликлари, теледастурлар, мунажжимлар башорати ва бошқа хабарлар мунтазам бериб борилади. Кроссворд, сканвордлар, "Саломатлик сабоқлари",

"Ниҳол", "Сулола", "Ибрат", "Болалар" каби саҳифалар сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Ички ишлар тизимида амалга оширилаётган янгиликлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул воқеалардан вақтида бохабар бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилинг.


ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«Постда» – 180 (366)

«На посту» – 169 (367)

«Qalqon» – 970 – (1083)

«Щит» – 971 – (1084)



Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Ҳирс ва очкўзлик занжирига боғланган бўйин пушаймонлик тизги билан кесилади.



«Постда» газетасининг иловаси  
**УСНИНЧИ**  
**ОЛАМ**

HAJRATOMUZ VOQEALAR,  
BOLAJONLAR SAHIFASI,  
MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,  
HAJVIYA, XANDALAR,  
SPORT YANGILIKLARI,  
INTERNET VA BARIYOT



## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

САПЁРЛАР  
ТАЖРИБА  
АЛМАШИШДИ

Май ойида ўн кун давомида Ўзбекистон Республикаси ИИБ сапёрлари АҚШлик ҳамкасблари билан портловчи қурилмалар ва портлаш хавфи бўлган предметларни аниқлаш, зарарсизлантириш ҳамда йўқ қилиш бўйича ўзаро тажриба алмашишди.

Машгулотлар икки мамлакатнинг терроризмга қарши курашда ҳамкорлиги доирасида ўтказилди. Ўзбекистонда АҚШ Давлат департаменти махсус агенти Гарри М. Стонер ва Алкоголлар, тамаки маҳсулотлари, ўқотар қуроллар ҳамда портловчи материалларни назорат қилиш бўйича бюро (АТФ)нинг портловчи моддалар бўйича катта офицери Майкл Морган ҳозир бўлишди. Ўқув машгулотлари республика ИИБнинг портловчи қурилмаларни аниқлаш ва зарарсизлантиришга ихтисослашган бўлини маси базасида ўтказилди.

Бу бўлинима – махсус отряд шахсий таркиби сапёрлар гуруҳларида ҳаракат қилиш кўникмаларини намойиш этди, портловчи қурилмалар, портлаш хавфи бўлган предметларни излаб топшиш ва йўқ қилишга мўлжалланган махсус автомобиллар, асбоб-ускуналар ҳамда приборлар қандай ишлашини кўрсатишди. Хорижлик ҳамкасблар бўлинининг жанговар қобилияти ва шахсий таркибининг касб маҳоратига юқори баҳо беришди. АҚШнинг Луизиана штатидаги сапёрлар тайёрлаш мактабида ўзаро ҳамкорлик асосида мутахассисларни ўқитишни давом эттириш ҳақида келишиб олинди.

Куни кеча республика Ички ишлар вазирлигига АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасидан "Миналардан тазолаш бўйича мутахассислар ўртасида тажриба алмашиш" дастури юзасидан машгулотлар ўтказилгани муносабати билан хат келди.

АҚШ Элчисининг хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Иван Рей имзо чеккан ушбу номада хусусан, ИИБ махсус отряди ходимларининг машгулотларга сикдидилдан қатнашгани ва барча техникаларнинг намунали ҳолати ушбу дастурнинг муваффақиятли бажарилишида асосий омил бўлгани айтиб ўтилган. "Айниқса бўлинима раҳбариятининг юқори касб маҳорати, ушбу таширфини ташкиллаштириш ва ўтказиш учун бор имкониятларни ишга солганини алоҳида таъкидлаб, миннатдорчилик билдираман" – дейилади мактуб сўнггида.

Ўз мухбиримиз.

## «Галла-2004»

МАВСУМ  
ҚИЗГИН

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида галла ўрими-йигими бошланди. Бу муҳим ишда деҳқонларга ички ишлар идоралари ходимлари ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар.

– Галла ўрими-йигими даврида ходимларимиз олдида турган асосий вазифа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳосилнинг нобуд бўлиши ва талон-торож этилишига йўл қўймастик, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этилишига эришишдан иборатдир, – дейди Сурхондарё вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги И. Қалқонов. – Бунинг учун ҳар бир ходимнинг масъулияти ва жавобгарлиги оширилмоқда.

Дарвоқе, сурхондарёликлар 100 минг гектардан кўпроқ ерга галла экишган. Этиштирилган ҳосилни тезроқ ўриб-йигиб олиш учун 246 комбайн, 3000 дан кўп автотранспорт воситалари жалб қилинган. Кунига юзлаб гектар ердаги галла ҳосили ўриб-йигиб олинмоқда.

Қашқадарё вилоятининг жанубий ва чўл минтақаларида галлани йигиб олиш кун сайин авж олмақда. Кунига бир неча минг тонна дон қабул пунктларига ташиб келтириляпти.

Ҳар иккала вилоят ИИБларида ҳам тезкор штаб ишлаб турибди.

С. ОМОНТУРДИЕВ.

Жорий йилнинг Меҳр ва муруват йили деб эълон қилиниши мамлакатимиздаги миллионлаб саховатпеша, савобталаб юртдошларимизни эзгуликка ундади. Савоб ишларга қўл ураётганлар қаторида мамлакатимизда осойишталикни таъминлашга масъул бўлган ички ишлар идораларининг ходимлари ҳам борлиги, айниқса, қувонарлидир. Шу қунгача мамлакатимиздаги барча Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ички ишлар идоралари ходимларининг муруватига, меҳр-шафқатига сазовор бўлди, десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, айни кунларда жуда кўп Меҳрибонлик уйлари ва уларнинг тарбияланувчиларига ана шу ходимлар ҳомийлик қилишмоқда ёки уларни оталиққа олганлар.

Куни кеча Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бошқармаси раҳбарияти ташаббуси билан 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган хайрия тadbири ҳам ўта савобли ишлардан бири бўлди.

## ҲИММАТЛИ ИНСОҢЛАР БОР БЎЛСИН!

Тadbирни ЙХХБ бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги З. Муҳиддинов очиб, бугунги

байрам С. Раҳимов туманида шаҳар ИИББ ЙХХБнинг Автомобилларни амалий бошқаришни ўрганиш мажмуасини очилиш маросими билан қўшилиб, ажойиб тантанага айланиб кетганлигини таъкидлади ва таклиф этилган, шаҳардаги 24, 25, 36-махсус мактаблар, 106-махсус интернат тарбияланувчиларини байрам билан самимий қутлади. Сўнгра тарбияланувчиларга ЙХХБ раҳбариятининг махсус совғалари топшириб, ҳар бир мактаб ҳисоб рақамига элик минг сўмдан хайрия пули ўтказилганлигини билдирди.

Шундан кейин Автомобилларни амалий бошқаришни ўргатиш майдонини тез ва сифатли

қуриб, битиришда иштирок этган "Тошшаҳарқурилиш" унитар корхонаси, "Тошшаҳарқурилиш-таъ-



мир" трести ва унинг 4-бошқармаси, Кўприк қурилиш трести каби кўплаб корхоналарнинг вакилларига, шаҳар ИИББ ЙХХБнинг бир гуруҳ ходимларига мукофотлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Tadbirlарни ташкил этишда ўз ҳиссасини қўшган молия-иқтисод ва шахсий таркиб билан ишлаш бўлими

раҳбарияти ҳамда ходимларига миннатдорчилик билдирилди.

Тантаналар давомида болаларни "Соғлом авлод учун" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими вакили Д. Олимжонова, С. Раҳимов тумани ҳокими Б. Ҳақимов ва яна кўплаб байрам билан самимий табриқлашди. Санъаткорлар қувноқ кўшиқлар куйлаб, тўкин дастурхон атрофида ўтирган болаларни даврага таклиф этди-

лар. Шу кунги йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тизимида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган бир гуруҳ ходимлар ҳам иззат-ҳурмат билан нафақага кузатилди.


Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Суратда: тadbирдан лавҳа.

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

## ЎҚУВ МАШГУЛОТИ ЎТКАЗИЛДИ

24-29 май кунлари республика ИИБ молия-иқтисод бошқармаси томонидан ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида тизимнинг бошқарма, бўлим, бўлинималари иқтисодчи ва муҳандис-иқтисодчиларини компьютерда ишлаш малакасини ошириш мақсадида ўқув машгулоти ташкил этилди.



Унда молия-иқтисод бошқармаси бошлиги, ички хизмат полковниги Ўткир Аҳмедов молия-иқтисод тизимларини компьютерлаштириш ва автоматлаштириш хусусиятлари тўғрисида маъруза қилди. Тингловчиларни замонавий ахборот ва компьютер ҳақидаги бошланғич маълумотлар билан Ўзбекистон Миллий университети проректори, техника фанлари номзоди, доцент А. Мараҳимов таништирди.

Ўқув жараёнида республика ИИБ Ахборот маркази бошлиги ўринбосари, ички хизмат полковниги, профессор И. Мирзаев, ИИБ бўлим бошлиги, ички хизмат майори Х. Халилова, бўлим бошлиги, ички хизмат капитани Ф. Раҳматуллаев ҳамда ИИБ компьютер маркази бошлиги, ички хизмат старшинаси Х. Эшбўтаевлар тингловчиларга назарий ва амалий билим беришди.

Машгулотлар яқунлангач, ўқув иштирокчиларига махсус гувоҳнома топширилди.

Қ. ШОКИРОВ.

СУРАТДА: машгулот пайти.

## ҲАМКОРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Кейинги йилларда бутун жаҳонда бўлгани каби, МДХ давлатлари микёсида ҳам қўриқлаш хизматларининг ўзаро тажриба алмашиши кенг йўлга қўйилмоқда. Шу мақсадда тўрт йилдан буён ушбу мамлакатлар қўриқлаш хизматлари раҳбарларининг ишчи учрашувлари ўтказиб келинмоқда.

2002 йили Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида "Хавфсизлик-2002" халқаро семинар-кўргазма ташкил қилинган эди. Унда бир қатор давлатларнинг қўриқлаш хизматлари вакиллари, сигналзация воситалари ишлаб чиқарувчи фирма ва ташкилотлар иштирок этиб, ўзаро фикр алмашган, ушбу йўналишдаги янги, замонавий техника воситалари намойиш қилинганди.

2003 йилда эса Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида МДХ давлатлари қўриқлаш хизматларининг раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Ушбу тadbирда бизнинг вакилларимиз ҳам қатнашиб, ўзаро тажриба алмашиб келишган эди.

Худди шундай учрашув шу йил май ойида Украинанинг Киев шаҳрида бўлиб ўтди. Унда МДХ ва Болитикбўйининг 11 давлати – Ўзбекистон, Арманистон, Беларус, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Молдова, Россия, Тожикистон ва Украина давлатларининг қўриқлаш хизмати раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда қўриқлаш хизматининг техника йўналишини ривожлантириш, хизматни ташкиллаштиришда унинг ишончлик даражасини ошириш, молия-иқтисод

йўналишида амалга оширилаётган ўзгаришлар, қўриқлаш хизматининг тавakkалчилигини кафолатлаш каби бир қатор масалалар ўрганилди ва муҳокама қилинди.

Иштирокчилар Украина қўриқлаш хизматининг моддий-товар бойликлар ва жисмоний шахсларни қўриқлаш (тансоқчилик) билан шуғулланувчи "Титан" бўлинималари билан танишди. Албатта, ушбу йўналишда украиналик ҳамкасблар томонидан тўпланган тажриба, шубҳасиз, Ўзбекистонда ҳам ушбу турдаги хизматларни кўрсатишда қўл келади.

Қўриқлаш хизмати йўналишида



қўшни давлатларда амалга оширилаётган ишлар бизда қилинаётганлари билан таққосланганда жуда кўплаб фойдали хулосалар чиқаришга сабаб бўлди. Республика-мизда моддий-товар бойликларнинг ишончли қўриги, мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар, тўпланган тажриба, олдинда турган мақсадлар билан ўртоқлашилди. Ўз навбатида қўшни давлатларда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни ўргандик.

2002 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган семинар-кўргазма чоғида Ўзбекистон қўриқлаш хизматидаги ўзгаришлар билан Украина ва Беларус давлатлари вакиллари қизиқишган, кўп билан ўрганишган эди. Яқинда ташкил этилган йиғилишда эса ушбу мамлакатларнинг ўз хизматларини ислоҳ қилишда бизнинг тажрибамиздан кенг фойдаланганликлари маълум бўлди.

Йиғилиш сўнггида иштирокчилар томонидан қўшма баёнот қабул қилинди. Улар бошқарув фаолиятини амалга оширишда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, қўриқ-даги объектларнинг антитеррористик мустаҳкамлигини ташкиллаштириш ус-

улбулари бўйича тажриба алмашиш, қўриқлаш техника воситалари мониторингини амалга ошириш, амалий ҳамкорликни таъминлаш мақсадида мутахассисларни ўқитиш, илмий-техник ахборотлар, ўқув-услубий адабиётлар билан алмашиш каби масалалар бўйича келишиб олдилар. Ушбу тadbirlарнинг амалга оширилиши йиғилиш иштирокчилари ҳисобланган давлатларда қўриқлаш хизматини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шубҳасиз, МДХ ва Болитикбўйи давлатларида қўриқлаш хизмати ҳали ҳам такомиллашиш ва ривожланиш жараёни, яъни ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Шу сабабли ушбу йўналишда ўзгалар тажрибасини ўрганиш фойдадан холи эмас.

А. ЮСУПОВ,

ИИБ хузуридаги "Қўриқлаш" Бирлашмаси бошлиги, милиция полковниги.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АНЖУМАН

Маълумки, бу йил юрти-мизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа – икки палатали парламент ва маҳаллий давлат ҳокимияти идораларига сайловлар бўлиб ўтади. Шу муносабат билан яқинда "Парламент сайловларининг конституциявий асослари ва уларни кенг оммага етказишда Конституциявий суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва оммавий ахборот воситаларининг биргаликдаги вазифалари мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ушбу тadbир Конституциявий суд ташаббуси билан Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, республика Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кун тартибидаги асосий масала юзасидан республика Конституциявий суди раиси М. Абдусаломов маъруза қилди. Анжуманда сайлов қонунлари, унинг конституциявий асосларини кенг оммага тушунтириш, тарғиб қилишда ҳуқуқшунослар билан оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳамкорлиги муҳим эканлиги таъкидланди, бу борада ўзаро фикр алмашилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов, республика Адлия вазирининг биринчи ўринбосари И. Абдуллаев, республика Бош прокурорининг ўринбосари А. Холмаҳматов, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси "Ахборот" дирекциясининг директори Б. Алихоновлар сўзга чиқиб, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов Бош бошқармаси бошлиги, милиция полковниги А. Шарафутдинов Олий Мажлисга сайловлар ўтказиш жараёнида ички ишлар идоралари олдида турган вазифаларга батафсил тўхталди.


Tadbir қатнашчилари юзага келадиган муаммоларни биргаликда ҳал этишга келишиб олишди.

Ўз мухбиримиз.



Рио-де-Жанейронинг шимолидаги "Бенфика" қамоқхонасида маҳбуслар исён кўтаришди. Қочишга уринганлар ниятларига етишолмагач, кўрикчилар ва муассаса ходимларидан 26 кишини гаровга олишган.

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



Мамлакатнинг янги маъмурияти тайинланиши билан яна террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Бағдод марказида кетма-кет уч марта кучли портлаш юз берди. Бу пайтда Ироқнинг муваққат бошқарув кенгаши мамлакат президентлигига номзодларни муҳокама қилётган эди.

## МАҲБУСЛАР ИСЁНИ

Кейинроқ ярадор исёнчиларга тиббий ёрдам кўрсатилиши эвазига гаровга олинганлардан икки нафари озод қилинди.

Маҳбуслар ва полициячилар ўртасидаги отишма бир неча соат давом этди. Тартиб сақловчилардан 4 киши яраланди. Қамоқхонага қўшимча кучлар келтирилгач, исён бостирилди. Барча чораларга қарамай 15 маҳбус қочишга муваффақ бўлган. Улардан уч нафари қўлга олинди.

Нихоят душанба куни кечқурун маҳбуслар камераларга полициячилар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар вакилларини киритишди. Бу ерда улар даҳшатли манзарага дуч келишди.

Вақтинча сақлаш ҳибсхонаси мурдаларга тўлиб кетган эди. Полиция вакилларининг сўзларига қараганда, 62 соат давом этган исён чоғида 34 киши ўлдирилган. Ҳозирда фавкулдда ҳодисанинг сабабларини



Ўрганиш бўйича тергов ишлари ва марҳумларнинг шахсини аниқлаш жараёни давом этяпти.

## ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Ҳар қандай портлаш ҳам оддий одамларни ваҳимага солади. Аммо тинч аҳоли яшайдиган уйда портлаш юз берса, ҳар қандай киши қайғуга тушса керак.

Хитойнинг Фуцзянь вилоятида ана шундай фожаа юз берди. Натижада 7 киши оламдан ўтди. Яраланганлар ҳам бор. Қутқарув ишлари давом этяпти. Яқин атрофдаги уйлар ҳам зарар кўрган.

Сўнгги пайтларда Хитойда портловчи моддалар билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисалар сони ортмоқда. Асосий сабаби бундай моддаларни харид қилиш осонлиги ва одамларнинг эҳтиётсизлигидир.


## ИРОҚДА ҲАМОН НОТИНЧЛИК

Кўпоровчилик Муваққат маъмурият ва иттифоқчи кучлар штаб-квартираси жойлашган "яшил зона"да содир этилди. Халқаро матбуот маркази фаолият кўрсатаётган Конгресслар саройи ҳам шу ерда жойлашган.

Ироқ пойтахтидаги Ташқи ишлар вазирлиги биносига ҳам ҳужум уюштирилгани маълум бўлди. Натижада камида 25 киши ҳалок бўлган.

Яраланганлар сони 20 нафардан ошди. Мамлакат ташқи ишлар вазирининг ўзи ҳам жароҳат олган бўлиши мумкин деб тахмин қилинмоқда.

Ироқнинг шимолидаги Байжи



шаҳрида автомобиль портлаши натижасида камида 11 киши нобуд бўлган. Дастлабки маълумотларга қараганда, машина АҚШ ҳарбий базаси яқинида портлатилган. Жабрланганларнинг барчаси тинч аҳоли вакиллари дидир.

"Яшил зона"да портлашлар, отишмалар сони тобора ортмоқда. Муваққат бошқарув кенгаши аъзоси, Ироқ ислом партияси Бош котиби Мухсин Абдул Ҳамид ҳам шу ерда ўлдирилган эди. Унинг автомобили номаълум кимсалар томонидан ўққа тутилган.

## ЧЕГАРАДА УШЛАНДИ

Маълумки, Туркия гиёҳвандлик моддаларини Осиёдан Европа мамлакатларига ўтказиш йўлида жойлашган. Яқинда мамлакат полициячилари Эрон билан чегарада 137 килограмм героинни мусодара қилишди. Гиёҳвандлик моддаси Ван провинциясида юк машинасини текшириб кўриш чоғида топилди.

## ДИНИЙ МОЖАРОЛАР

Душанба куни кечки пайт Покистоннинг Карачи шаҳридаги шиалар мачитида яна портлаш юз берди. Террорчилик ҳаракати натижасида 16 киши ҳалок бўлди, 40 дан ортик одам яраланди. Покистоннинг расмий вакиллари айтишича, бу хунрезлик ортида ким тургани ҳақида гапиришга ҳали эрта. Аммо кўпоровчилик диний келишмовчиликлар оқибати эканлиги аниқ.

Ёдингизда бўлса, 7 май куни ҳам жума намози пайти шиаларнинг "Масжиди Ҳайдар" мачитида террорчи-камикадзе ўзини портлатиши оқибатида 14 киши ҳалок бўлган эди. Утган шанба куни эса суннийларнинг нуфузли етакчиларидан бири муфтий Низомиддин Шамзаий отиб ўлдирилди. Бу қотиллик сунний талабалар ўртасида оммавий тартибсизликларни келтириб чиқарди. Улар полиция идорасига ҳужум қилишди, иккита ёнилғи куйиш шохобчасини ёқиб юборишди...

Сўнгги 15 йил мобайнида мамлакатда шиалар ва суннийлар ўртасида диний можаролар оқибатида 4 мингга яқин покистонлик ҳалок бўлди.



## ТЎҚНАШУВ

Таиландда поезд билан юк машинаси тўқнашиб кетди. Фалокат Баанмай қишлоғи яқинидаги бошқарилмайдиган темир йўлдан ўтиш жойида юз берди. Дарахтлар қалин, говлаб ўсгани учун юк машинаси ҳайдовчиси поездни кўрмай қолган.

Данияда икки поезд тўқнашуви оқибатида эса 12 киши жароҳатланди. Темир йўл хавфсизлиги хизмати нозирлари поездлар қандай қилиб бир йўлга тушиб қолиши сабабларини ўрганишга киришдилар. Барча жабрланганлар касалхонага ётқизилди.

## ХИЗМАТ МАВҚЕИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШГАН

"Интерфакс" ўзининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидаги ахборот манбаларига таяниб маълум қилишича, Москва шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат инспекциясининг (ЙХХДИ) марказий биносидан кенг қамровли


тинтув ва ҳужжатларни текшириш ишлари ўтказилган. Ҳозирча батафсил маълумотлар берилмаяпти. Аниги шуки, тергов ҳаракатлари ЙХХДИ раҳбар ходимларининг ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги бўйича кўзгатирилган



жиноят иши доирасида олиб борилляпти. Тахминларга кўра, ҳозирча тўрт мансабдор шахс ҳибсга олинган. Россия Бош Прокуратураси ва ИИБ вакиллари биргаликда ЙХХДИ батальонларидан бирида ҳам ана шундай текширув ўтказишди. Дастлабки маълумотларга қараганда, бу тад-

бирлар Европада ўғирланган автомобилларни Россия бозорларида қонунийлаштириш юзасидан жиноят иши доирасида ўтказилди. Жиноятчилар ишларини куйидагича ташкил этишган. Фарбда ўғирланган автомобиллар Москва автосалонларига келтирилган. Уларни қонунийлаштириб, ҳисобга қўйишни "юқоридагилар"нинг кўмагисиз амалга ошириб бўлмаган.

Биз Россия ИИБ ва Бош прокуратураси Москва шаҳар ИИББ ЙХХДИнинг автотранспорт билан боғлиқ мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатларини текшираётганини тасдиқлаймиз. Ушлаб турилганлар бор, — деди ИИБ Ахборот ва жамоатчилик билан алоқа қилиш бошқармаси бошлиғи Валерий Грибакин.



АҚШнинг Юта штатида пичоқ билан қуролланган кимса Лос-Анжелес — Чикаго йўналиши бўйича қатновчи автобус йўловчиларини гаровга олди. Ушбу кимсанинг ўзи ҳам 60 нафар йўловчидан бири эди.

## АВТОБУСДАГИ ТЕРРОРЧИ

Йўл-патруль хизмати вакилларининг айтишича, террорчи кейинроқ ҳамма йўловчиларни қўйиб юборган. Фақат ҳайдовчигина гаровда қолган. Автобус юз километрлар йўл босгач, ҳайдовчи ҳам тезликни камайтириб пастга сакрашга муваффақ бўлган.

Жиноятчи шундан сўнг тез орада полициячилар томонидан қуролсизлантирилиб, ҳибсга олинди. Террорчи Небраска штатининг Лексингтон шаҳрилик Антонио Эрнандес бўлиб чиқди. Уни бундай хатти-ҳаракат қилишига нима мажбур этгани ҳозирча номаълум. Ўзининг сўзларига қараганда, хотини билан учрашишга кетаётган экан. Йўловчилардан ҳеч ким жабрлангани йўқ.



## Жасоратингизни Ватан унутмайди

Телефон ва рация баробар «тилга» кирганда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар бошқармаси Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими профилактика инспекторлари, милиция катта лейтенантлари Эркинжон Саидов ҳамда Муҳиддин Амонов ТТЗ - 1 даҳасидаги «Азамат» маҳалласига жойлашган милиция таянч пунктида паспорт режими бўйича ўтказган тадбирлари натижаси ҳақида маълумотнома ёзиб ўтиришганди.

– Буйруқни эшитдик! – Эркин билан Муҳиддин бир овоздан жавоб беришди. – Ҳаммаси тушунарли. Биз томонда тинчлик.

– Кабинет эшигини очиб, рацияни эшитиб, хушёр бўлиб турунлар.

– Хўп бўлади.

Бу – Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ҲООБ бошлиғи, милиция майори Даврон Назаровнинг Эркин Саидов ва Муҳиддин Амоновдан эшитган охириги гапи бўлди...

...Аҳмад Югнакий даҳасидаги 256-ўрта мактабни аъло баҳолаб битарган Эркинжон милиция мактабига кириб ўқишга ишонар, бунга астойдил тайёргарлик кўрган эди.

– Ўғлим, болаликда одам кўп нарсани орзу қилади, – Файбулла ака етуклик аттестатини олиб, қувончи ичига сиғмай келган ўғлини рўпарасига ўтказиб, насиҳат қилди. – Лекин ақли тингач, келажакни ўйлаб, иш юритади. Мана, катта йигит бўлиб, мустақил ҳаёт оstonасида турибсан. Билиминг кучли. Ҳар қандай институтга бемалол кириб, ўқий оласан. Йўқ демасанг, Аграр университетига кириб, ўқи, болам. Менинг ишимни давом эттир.

– Орзуларим-чи? Ахир мен милиционер бўлмоқчиман, милиция мактабига кирмоқчиман...

– Болам, бу касбни осон деб ўйламагин. Бутун бошли халқ осойишталигини сақлаш, посбонлик масъулиятини елканга олишнинг ўзи бўлмайди. Ота-бобоннинг суюғи деҳқончиликда қотган. Йўқ дема, болам...

– Майли, дада. Сиз қаерда десангиз, шу ерда ўқийман. Лекин... ўқишни битириб, фақат милицияда ишлайман.

– Ота Эркинжоннинг қатъиятига ичдан гурурланса ҳам, қувончини сездирмади.

– 1999 йил ёзида Тошкент Давлат Аграр университетининг агрономия факультетини битирган Эркинжон Саидов болалик орзусига етди. У 2000 йилнинг 1 январида Тошкент шаҳар ИИББ Ўқув марказининг тингловчиси бўлди. Ўша йилнинг августида ўқишни битирган Эркинжон Мирзо Улуғбек тумани ИИБ Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш бўлимига профилактика инспектори этиб тайинланди. 2001 йилнинг июль ойидан умрини охиригача Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими милиция таянч пункти профилактика инспектори вазифасида ишлади. У хизмат фаолияти давомида раҳбарият томонидан бир неча марта рағбатлантирилган, бирорта интизомий жазо олмаганди. Миллий университетнинг юридик факультетида иккинчи мутахассислик учун сиртдан ўқиётган эди...

– Милиция катта лейтенанти Эркинжон Саидов хизмат қиладиган Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 29 – «Файзиобод» маҳалласи, асосан, бир қаватли, яқка

тартибда қурилган уйлardan иборат ўн еттига кўчани ўз ичига олади, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Миразиз Қосимов. – Унда уч ярим минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.

## ВОҲАНИНГ ҚАЖРАМОН ФАРЗАНДИ

Маҳалламизнинг профилактика инспектори Эркин Саидов бу ерда яшовчи аҳолининг деярли ҳаммасини яхши танир, улар билан қадрдон эди. Шу сабабли ҳам худудимизда хуқуқбузарликлар деярли юз бермасди. Утган йили ташқаридан келган «саёҳатчи»лар содир этган учта ўғрилиқни ҳисобга олмасак, маҳалламиз шу пайтгача доим тинч бўлиб келган.



Э. Саидовнинг отаси Файбулла ака билан онаси Норхал опа.

Эркинжон чинакамига ўз ишининг фидойиси эди. Маҳаллани айланиб, профилактик ишларни амалга оширишдан чарчамасди. Бирор марта маҳаллада ўтказилган тадбирлардан четда қолган эмас.

– Эркин Саидов Тошкент шаҳар ИИББ Ўқув марказини битириб, қайтганда дастлаб мен унга «харидор» бўлганман, – дейди М. Улуғбек тумани ИИБ Сафарбарлик гуруҳи командирининг ўринбосари, милиция старшинаси Комилжон Исмоилов. – Ўшанда мен ҲООБда катта профилактика инспектори эдим.

Эркинжон кўска муддатда касбига доир тартиб-қоидаларни

ўзлаштириб олди. У ўта меҳнаткаш, ишлаб чарчамайдиган, одамлар билан тез тил топишиб кета оладиган, киришимли, кўнгли пок йигит эди. Бирор марта ўзига топширилган вазифани уддалай олмай, ҳамкасблари олдида қизариб қолган эмас. Унинг билими, идроки кучли эди. Хукуватимиз томонидан чиқарилган қонунлар, қарор, фармойиш, вазирликнинг кўрсатма, буйруқлари каби қонунчиликдаги ҳар қандай янгиликлардан ҳамма ҳам хабардор, бу борада ҳамкасблари учун беминнат устоз эди.

Эркин ўз касбига доир ажойиб ички туйғу бор эди. У ана шу туйғу туйфайли ўта мураккабдек туюлган жиноятларни ҳам осонлик билан очар эди...

Маҳаллалардан бирида яшовчи йигирма етти ёшли Самаднинг юриш-туриши ўзгаргани профилактика инспектори Эркин Саидовнинг эътиборидан четда қолмади. У Самад билан бир неча бор суҳбатлашди. Йигит «.. у ер бу ерда юк ташиб пул топаётгани» ҳақида гапириб, инспекторни ишонтирмоқчи бўларди. Эркин Самаднинг бу гапларига ишонгандек бўлса ҳам уни кўздан қочирмади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Самад «харидор»

га гиёҳвандлик моддасини сотаётган пайтда Эркинжоннинг қўлига тушди. «Юкчи» йигит топқир ички ишлар ходими га гиёҳвандлик моддалари ноқонуний равишда сақланаётган «омбор» қаердалигини айтишга мажбур бўлди.

– Профилактика инспекторлари, милиция катта лейтенантлари Эркин Саидов ва Муҳиддин Амонов гўё туғишганимиз, оға-инимиздек бўлиб кетишганди, – дея оғир хўрсиниб, гап бошлади гуруҳ бошлиғи, профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Тоҳиржон Ўтанов. – Улар меҳрибон, ҳақиқий инсон, содиқ дўст эдилар. Нимаки юмуш бўлса, бажонидил бажарар, «хизмат борми?» деб туришарди. Билмаганларини катта ёшлардан тортинмай сўраб, ёш ходимларга сидқидилдан ёрдам берардилар.

Улар билан оливайи дўст эдик. Бир-биримизнинг ҳар қандай маросимларимизда бирга, елкадош

эдик. Эркин ўғил кўрганда ҳаммамиз бирдек қувонганмиз. Қизи Нигора гўё бизнинг ҳам фарзандимиз, уйига кўнғироқ қилсак, овозимиздан таниб, дарҳол қувнок овозда саломлашиб, «ҳозир ада-жонимни чақириб бераман» дерди. Тўйларимизни бирга ўтказганларимиз видеотасмаларга муҳрланиб қолган.

– Эркин кўнгли очик, бировдан ёрдамини аямайдиган, меҳрибон йигит эди, – дейди профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Алишер Турсунов. – Жамоамиз билан Эркиннинг туғилган юрти Қашқадарёга ҳам бориб, қариндошлари билан танишиб, тўйларда бўлиб қайтганмиз.

28 март куни иккови билан ҳам учрашиб, анча гурунглашдик. Эркин ўзини қувнок тутишга уринса ҳам негадир кўзлари маъюс, Муҳиддин эса, энди билсам, кўнғил гашлигини керагидан ортиқ хушчақчақлик билан сездирмасликка уринарди. Шу тариқа соат то ўн яримларгача суҳбатлашиб ўтирдик.

Кейин, мен хайрлашиб, чиқиб кетдим. Лекин хаёлимдан «нима учун йигитлар маъюс?» деган ўй кетмади. Мен ўша соатларда дўстларимни охириги марта кўраётганимни, бу ўй менинг хаёлимга умрбод муҳрланиб қолишини ўйламаган эдим.

... Экспертлар «Файзиобод» маҳалласи худудидан топилган аёл кишининг мурдасини текшириб, у анчагина спиртли ичимлик ичгани ва баданнинг бир неча жойига етказилган жароҳатлар туйфайли ўлганлиги ҳақида хулоса бердилар.

Жиноят-қидирув гуруҳи билан баробар, туну кун хизмат қилган Эркин Саидов жуда қисқа муддатда бу қотилликнинг очилишига эришди. Сабаби, ўзи хизмат қилаётган худудда яшовчи аҳолини яхши билар, ким қандай яшаши унга маълум эди.

– Эркинжоннинг аҳоли билан ишлашдаги тажрибасига ўша, қотилликнинг очилиш жараёнида қойил қолганман, – дейди профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Икромжон Усмонов. – У маҳалла посбонлари, фаолларни ҳам ишга солди. Фақат ўзигагина маълум йўллар билан мархума М. Фарида Юнусободдан Пилла кўчасида яшовчи таниши Т. Александрнинг уйига меҳмонга келгани, у ерда чилонзорлик С. Татьяна ҳам бўлгани, ичкиликбозлик асносида жанжал чиқиб, Александр билан Татьяна Фаридани уриб, ўлдирганларини аниқлади.

Эркинжон билан Муҳиддин ажралмас дўст, қадрдон оға – инидек эди. Бир йилдан буён навбатчиликка бир вақтда чиқишар, кўплаб хуқуқбузарликларни бир-



га очишган эди. Янглишмасам, иккалови жорий йил бошидан буён гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний равишда сақлаш ва сотиш билан боғлиқ бир неча ҳолатни аниқлаб, қонунбузарларни ашъвий далиллар билан туман ИИБга топширишган.

– Эркин билан Муҳиддин қингир ишга қўл урган одамни юриштириши, қадам олишиданок аниқ билишарди, – Эркин Саидовнинг Тошкент Давлат Аграр институтида ўқиб юрган пайтидан дўсти ва институтдоши бўлган профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Музаффар Назаров касбдошлар хотираларини давом эттиради. – Гулсанам кўчасида яшовчи бир йигитнинг юриш-туриши ўзгариб қолганини сезган Эркин у билан қизикди. Ўша кунийёқ йигитнинг ТТЗ-4 даҳасида яшовчи кекса аёлнинг уйига, деярли синдириб, ўғрилиқка тушгани, у ердан иккита гилампалос олиб чиқиб, сотганини аниқлади. Бир ўзи яшовчи кекса ва ногирон аёл ўғрилиқ ҳақида тегишли жойга хабар ҳам қилмаган экан. Ўғри йигит қонуний жазосини олди.

– Шунга ўхшаш воқеадан менинг ҳам хабарим бор, – дейди профилактика инспектори, милиция лейтенанти Ойбек Тожибоев. – «Тун» тадбири давом этаётган эди. «Азамат» маҳалласида айланган Эркин билан Муҳиддиннинг кўзи тонгги соат 6 да «Орск» музлатгичи ва иккита телевизорни панароқ жойга қўйиб, йўловчи машина кутиб турган икки кишига тушади. Ҳеч қанча вақт ўтмай улар буюмларнинг «эгаси» – Борис ва Илдар исмли кимсалар ТТЗ-4 даҳасида яшовчи пенсионер Галина Жуковскаянинг уйига калит танлаш йўли билан кириб, унга тегишли холодильник ҳамда телевизорларни ўғирлаб чиққанини аниқладилар. Ходимларнинг хушёрлиги туйфайли ўғрилар манзилларига етмай, қўлга олиндилар...

Касбдошлар – қадрдон дўст, оға-инилар қаторларидан хато бўлган дўстлари ҳақида гоҳ кўзларида ёш билан, гоҳ маъюс жилмайиб, ҳикоя қилдилар. Улар ҳамон Эркин билан Муҳиддиндан айрилганларига, бу оловқалб, мард, жасур йигитлар энди сира қайтиб келмаслигига ишонмайдилар, ишона олмайдилар...

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

## Ватанга хизмат — олий бурч

## САФИМИЗ ЯНАДА КЕНГАЙДИ

Эрталабдан республика ИИБ Ички кўшинлар бош бошқармасига қарашли полковник Ш. Чиналиев сардорлик қилаётган ҳарбий жамоада байрам тантаналари бошлаб юборилди. Она-Ватан олдидаги бурчларини ўташга келган ёш аскарлар ҳарбий қасамёд қабул қилиш учун майдонда саф тортишди.

Байрамга таклиф қилинган меҳмонлар, фахрийлар ва ота-оналар тантанали маросим бошланганини интизорлик билан кутмоқдалар. Ниҳоят оркестр садолари остида ҳарбий қисм байроғи олиб чиқилди ва давлатимиз мадҳияси янгради. Кейин ёш аскарлар ҳарбий қасамёд қабул қилиш учун белгиланган жойга шахдам қадамлар билан чиқиб келишди. Улар ҳарбий қасамёд

қабул қилиб бўлишгач, сўзга чиққан қисм қўмондонлиги, фахрийлар ва ота-оналар ёш аскарларни бу унутилмас айём билан чин юракдан кутладилар.

Оддий аскарлар Э. Юсупов ва Н. Бадашев сафдошларини Ватан ва халқ олдидаги бурчларини сидқидилдан ўтаб, Ўзбекистоннинг содиқ ўғлонлари бўлишларини ва ота-оналари бағрига



ёруғ юз билан қайтишларини тиладилар. Кутловлар тугагандан сўнг ҳарбий хизматчилар оркестр садолари остида минбар олдида тантанали марш билан юриб ўтдилар. Шу куни ёш аскарлар

учун байрамона дастурхони ёзилиб, концерт дастури намойиш этилди.

С. АБДУШАИДОВ.  
Суратда: тадбирдан лавҳа.  
Муаллиф олган сурат.







## BOLALAR SAHIFASI



### DONO BOBO O'GITLARI

*Bolalarim, o'zingizdan kichik yoshdagilarni xafa qilish, kuchingizni ko'rsatish yaramaydi. Imkoni boricha ularga yordam berish kerak. Chunki bolalikda ularga suyanchiq bo'lsangiz, katta bo'lganda sizlarga ko'makchi bo'ladi. Ana shu tarzda bir-biringizga mehribon bo'lasiz. Mehribonlik insonning ulug' hislatlaridandir.*

#### Kunlardan bir kun...

### O'G'IL BOLANING ISHI

Bahrom har yili yozgi ta'tilda qishloqda yashaydigan buvisinikida dam oladi. Tog'da cho'miladi, balandliklarga chiqib atrofni tomosha qiladi, bolalar bilan o'ynaydi, buvisining qo'ylarini boqadi.

U kelganida buvisi uyda yo'q ekan. Ko'chaga chiqib atrofni aylanmoqchi bo'ldi, tengdoshlari ko'rinishmadi. Buvisinikidan ikki uy narida yashaydigan muallim amaki ko'cha devorni suvoq qilardi. Uning o'g'li chet elda o'qiydi. Muallim amakining bir o'zi qiyalayotganini ko'rgan Bahrom ko'ylak-shimini shimarib yordamlashishga tushdi. U loyni chelakka solib, tashib turdi. Yigitchaning ko'magi muallim amakining g'ayratiga g'ayrat qo'shdi. Ikkovi birgalashib devorni suvab bo'lishganda kun peshin bo'lgandi.

Buvisi keldi. Bahromning qo'shnisiga yordamlashganini eshitib xursand bo'ldi va:


— Haqiqiy o'g'il bolaning ishini qilibsiz. Qo'lingdan bir ish kelsa darrov ko'maklashgin. Ana shunda ko'pchilik o'rtasida hurmatga sazovor bo'lasan, — dedi.

Birgalashib ovqatlanib o'tirishganda muallim amaki kirib keldi. Bahromni maqtab, rahmat aytdi va unga bir kitob tutqazdi:

— O'g'lim Fransiyadan yuboribdi, senga esdalikka beraman, — dedi.

Bu Bahrom orzu qilgan qadimgi va hozirda mavjud kemalar rasmi chizilgan albom edi.

QADRLI BOLALAR, QUYIDA BERILGAN O'ZAK SO'ZDAN FOYDALANIB, UNI BUZMAGAN HOLDA DUNYODAGI TOG' TIZMALARINING NOMINI YOZIB CHIQING



#### TEHGDOSHLAR IJODIDAN

### ONAJONLAR ULUG'DIR

**Onadir mehri daryo,  
Onajonlar ulug'dir  
Ular poyini o'ping  
Qadamlari qutlug'dir.**

**Kechalari uxlamay,  
Bizni allalab chiqqan.  
Oq yuvib, oq taragan,  
Onajonlar ulug'dir.**

**Har so'zi zar-oltindir,  
Ular so'zin uqingiz.  
Ona buyuk insondir,  
Shuni yodda tutingiz.**

UZODBAXT

Jizzax shahridagi Sh. Rashidov  
nomli maktab o'quvchisi

#### O'TGAN SONDA BERILGAN SKANVORD JAVOBLARI:

**Tojikiston. Jamol.  
Sino. Romitan. Etik.  
Ovoz. Vazifa. Ota. Uloq.  
Taroq. Uskuna. Vaza.  
O'rama. Vazmin. Olam.  
Mahkam. Mi. Iffat. Tor.  
Aro. Odim. O'r. Olmazor.**

#### O'TGAN SONDA BERILGAN MATEMATIK JUMBOQNING JAVOBLARI:

37 sonini beshta 3 yordamida yozish.  $37=33+3+3:3$

\*\*\*

1973 sonini ikkita sonning kvadratlari ayirmasi shaklida tasvirlash mumkin emas. Chunki 1973 tub son.

#### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Навоий вилояти ИИБ жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи, ички хизмат полковниги **Эркин ХАМРОЕВ**ни 45 ёшга тўлгани билан самимий қутлаймиз. Унга мустақам соғлиқ, оилавий бахт, хизматларида муваффақиятлар тилаймиз. Хонадонидан тотувлик, файз-барака ва қувонч аримасин.

**Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, муассаса шахсий таркиби.**

Хурматли **Ойбек ЯХШИБОВ**! Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишингизга ривож тилаймиз. Йигит бошингиз ҳеч қачон эгилмасин, мартабангиз улуг бўлсин, пок муҳаббат қалбингизни тарқ этмасин.

**Оила аъзолари ва ҳамкасбларингиз номидан Сетора.**

Республика ИИБ ШТБИХ ташкилий штат бўлимнинг бўлинма бошлиғи, милиция майори **Бегмат КАРИМОВ**ни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Унга узоқ умр, мустақам соғлиқ, оилавий бахт, ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

**Эҳтиром ила ҳамкасблари ва оила аъзолари.**

Косонсой тумани ИИБ ходими, милиция старшинаси **Мукаррамжон МИРЗАЕВ**ни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Кўп йиллар саломат бўлиб, фарзандлари камолини кўриб, даврамизни тўлдириб юришини Аллоҳдан сўраймиз.

**Хурмат билан оила аъзолари.**

## МУҶАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



**Кўй.** Ҳафтанинг боши учрашувлар ва янги танишлар орттириш учун ноқулайдир. Атрофингиздаги одамлар билан келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Гарткам ўйинларда иштирок этмаганингиз маъқул. Пайшанба куни кўзда тутилмаган нарсаларга сарф-харажатлар қилишингиз эҳтимолдан холи эмас. Дам олиш кунлари дўстлар даврасида ҳордиқ чиқаришни маслаҳат берамиз.



**Тарози.** Дастлабки кунлар хонадонингизда низолар келиб чиқади. Муомалада эҳтиёт бўлинг. Қимматбаҳо жиҳозлар ва тақинчоқлар сотиб оласиз. Пайшанба куни қандай ишга қўл урмаг омад кулиб боқади. Жума куни натижаси дунёқарашингизни ўзгартириб юборадиган юмуш билан машғул бўласиз. Дам олиш кунлари эътиборни инсонлар ва дўстларингизнинг қўллаб-қувватлаши яхши самара беради. Шу билан бирга орзуларнинг рўёбга чиқиши ҳар доим ҳам бахт келтиравермаслигини тушуниб етасиз.



**Сигир.** Душанба кун зериқарли ўтади. Сешанба куни эса раҳбарлар ёки ҳамкасбларингиз билан қарама-қаршиликлар кутилмоқда. Чоршанба куни тижорат билан шуғулланаётганлар муайян йўқотишларга йўл қўйишлари мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида турмуш тарзингизни бироз ўзгартиришингиз мақсадга мувофиқдир. Хонадонингизда ҳамжиҳатлик ҳукм суради.



**Чаён.** Душанба куни қарама-қаршиликлар кутилмоқда. Ҳамкасблар ва шерикларингиз билан бир тўхтама келишингиз қийин кечади. Сешанба куни асосий вақтингизни шахсий ишларни битиришга сарфлайсиз. Чоршанба куни бир неча соҳада иқтидорингизни намойиш этиш имконияти бор. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ишлар кўпайиб кетади. Эҳтиросга берилишингиз низоларга сабаб бўлиб, кайфиятингизга таъсир кўрсатади. Яқшанба хизмат сафарлари ва саёхатлар учун қулай кундир.



**Эгизаклар.** Ушбу ҳафтада муваффақиятга эришиш учун фаол меҳнат қилишингизга тўғри келади. Тушган даромад сиз уйлаган даражада бўлмайди. Қўшимча сарф-харажатлар қилишингиз мумкин. Никоҳ ўқитиш, даволаниш учун жума қулай кундир. Ижод билан шуғулланаётганлар учун ўз маҳоратларини намойиш этиш имконияти бор. Шанба кунги қўлга киритилган муваффақиятлар ўзингизга бўлган ишонччи ортиради.



**Ёй.** Сиз кутмаган одамлар қўллаб-қувватлаши мумкин. Ҳамкасбларингиз билан муносабатлар мураккаблашади. Узоқ қариндошингизга ҳомийлик қиласиз. Ҳаётда рўй бераётган кўп воқеалар адолатсиздек туюлади. Мулк билан боғлиқ сарф-харажатлар қилишингиз эҳтимолдан холи эмас. Яқшанба куни алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.



**Қисқичбақа.** Дастлабки кунлар кайфиятингиз тушиб кетади. Аммо рўй берадиган воқеалар кутилмаганда сизга фойда келтириши мумкин. Кейинга пайта ишлаб чиққан режангиз салмоқли натижа беради. Пайшанба куни куч-қувватингиз ошаётганини ҳис этасиз. Миян-гизда янги гоёлар туғилади. Шанба куни хонадондаги юмушларни бажарганингиз маъқул. Яқшанба куни ким биландир дилдан суҳбатлашиш истаги туғилади.



**Тоғ эчкиси.** Ҳафтанинг бошида санъатга мойил Тоғ эчкилари ҳаётида ижодий кўтаринчилик ҳукм суради. Бажараётган ишингиз яхши самара бериши раҳбарлар эътиборини қозонади. Пайшанба янги ишларни бошлаш, учрашувлар ўтказиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун қулай кундир. Жума куни ортирган танишингиз билан муносабатлар узоқ вақт давом этади. Шанба куни тегрангизда куч-қувват бироз сусайганини ҳис этасиз.



**Арслон.** Илм олиш, ҳунар эгаллаш учун қулай даврдир. Соғлом фикрларнинг дўст ва душманни ажратиб олиш имконияти беради. Билдирилган таклифларга ҳеч иккиланмай рози бўлинг. Хизмат сафарига бориш, харидлар қилиш ва тижорат битимлари тузиш учун пайшанба қулай кун. Жума кунги кўтаринки кайфият туфайли ҳар қандай қийинчиликни енгасиз. Яқшанба куни севган кишингиз билан кўнгилли саёхат кутилмоқда.



**Қовға.** Душанба куни янги ишларни бошламаганингиз маъқул. Ишқий муносабатларда ҳам эҳтиёт бўлинг. Сешанба куни шерикларингиз сиздан норози бўлиши мумкин. Чоршанба куни фаолият доиранингизни кенгайтиришга уриниш ҳеч қандай натижа бермайди. Ҳафтанинг иккинчи ярмида умр йўлдошингиз билан низолашиб қолишингиз эҳтимолдан холи эмас. Янги учрашувларнинг гувоҳи бўласиз. Ҳақиқий рақиб билан рақобатлашингизга тўғри келади.



**Бошоқ.** Ҳафтанинг бошида шахсий ҳаётингизда хатоларга йўл қўясиз. Меҳнат фаолиятингизни ўзгартиришингиз мумкин. Пайшанба куни ижодий маҳоратингизни намойиш этасиз. Эски алоқаларни тиклаш ёки янги танишлар орттириш имконияти бор. Ҳар қандай ишга янги шерикларни жалб этиб, дўстона маслаҳатларга қулоқ тутишингиз яхши самара беради. Яқшанба куни оилангиз даврасида кўнгилли ҳордиқ чиқаринг.



**Балиқ.** Ушбу ҳафта сафарга бориш билан боғлиқ режа амалга ошмайди. Қариндошларингиздан бирига ёрдам беришингизга тўғри келади. Тикланган эски алоқалар ҳаётингизни янги мазмун билан бойитиши мумкин. Энг яқин кишиларингиз тушунмасликлари оқибатида келишмовчилик келиб чиқади. Ортиқча ишонувчанлигингиз кимгадир мутъе қилиб қўйиши ҳеч гап эмас. Дам олиш кунларини табиат бағрида ўтказишни маслаҳат берамиз.



ДУШАНБА

7

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Тахлилнома".
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".

"Пойтахт" ахборот дастури.
18.50 "Табриклиймиз-кутлаймиз".
19.20 ТТВда сериал. "Белилиса пул".

Ёшлар телеканаллари

16.30 Кўрсатувлар дастури
16.35 "Давр" ҳафта ичида
17.05 Жаҳон жуғрофияси

30-канал

16.55 гача профилактика ишлари
16.55 "Открытие программы"
17.00, 21.00 "Телехамкор"

ОРТ

5.00 Телеканал "Доброе утро"
8.00, 11.00, 4.00 Новости
8.05 Боевик "Крадущийся тигр, затаившийся дракон"

РТР

2:00 "Доброе утро, Россия!"
5:45 "В поисках приключений"
6:45 Сериал "Тени исчезают в полдень"

НТВ

5:00 УТРО НА НТВ
7:50 "ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД"
8:25 "БЕЗ РЕЦЕПТА". Доктор Бранд

КИ - 3: ОПЕРАЦИЯ ПОД НАРКОЗОМ
19:45 Сериал " ЖЕЛАННАЯ", 1-я серия
21:00 "СЕГОДНЯ" с Т. Митковой

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультфильм.
8.30 Фильм "БЕРЕГИСЬ, ЛА ТУР!"

ДТВ

9.00 Мультфильмы.
9.30 "Личное время".
10.00, 14.10 Телемагазин.

20.40 Агентство криминальных новостей.
20.55 Шоу рекордов Гиннесса.
22.00 Сериал "АГЕНТСТВО".

ТНТ

4.55, 5.40 Мультфильмы.
5.15 Москва: инструкция по применению.
6.05 "Глобальные новости"

СТС

7.00 "ЗАК И СЕКРЕТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ". Сериал.
7.25, 7.55, 8.00 Мультфильмы.

7.25, 7.55, 8.00 Мультфильмы.
8.30, 19.00 "33 КВАДРАТНЫХ МЕТРА".
9.00 "ОПЕРАЦИЯ ЦВЕТ НАЦИИ". Сериал.

7 ТВ

6.00 Линия жизни.
6.30 Диалоги о рыбалке.
Профилактические работы с 6.00 до 18.00.

СЕШАНБА

8

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ-анонс
22.45 "Олтин". Бадий фильм

Тошкент телеканаллари

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. "Луиза Фернанда".
17.45 "Табриклиймиз-кутлаймиз".

19.00 А.Фрейндлих, С.Говорухин "Аёллар мантиси" сериалида.
20.00 "Время".
"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ

30-канал

12.00 Открытие программы
12.05, 17.00, 21.00 "Телехамкор"
12.30 "Детский час"

ОРТ

5.00 Телеканал "Доброе утро"
8.00, 11.00, 4.00 Новости
8.05 "Улицы разбитых фонарей"

17.50 Сериал "Клон"
18.50 "Стирка на миллион"
19.00 Детектив "Женская логика"

РТР

2:00 "Доброе утро, Россия!"
5:45 Сериал "Огнеборцы"
6:45 Сериал "Тени исчезают в полдень"

НТВ

5:00 УТРО НА НТВ
7:55 Сериал "ЛЮБОВЬ ВДОВЦА"
9:00 "СЕГОДНЯ УТРОМ"

11:00 "СЕГОДНЯ"
11:30 Фильм "ЕДИНСТВЕННАЯ ДОРОГА"
13:25 "ВРЕМЯ ЕСТЬ"

ТВ 3

7.30 "Победоносный голос верующего".
8.00 Мультфильм.
8.30 Фильм "ВИИ".

ДТВ

9.00 Мультфильмы.
9.30 "Личное время".
10.00, 14.10 Телемагазин.

14.55 Мультфильмы.
16.00 Сериал "ДЕРЗКИЕ И КРАСИВЫЕ".
17.00 Сериал "НЕБЕСНЫЙ ВОЛК"

ТНТ

4.55, 5.40 Мультфильмы.
5.15 Москва: инструкция по применению.
6.05 "Глобальные новости"

СТС

7.00 "ЗАК И СЕКРЕТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ". Сериал.

8.30, 19.00 "33 КВАДРАТНЫХ МЕТРА".
9.00 "ОПЕРАЦИЯ ЦВЕТ НАЦИИ". Сериал.
10.00 Детали утрома.

7 ТВ

6.00, 7.30, 11.30, 4.00 Линия жизни.
6.30, 13.30, 21.00, 0.30, 3.00, 5.30 Диалоги о рыбалке.



РТР, душанба

14.10 Телефильм "УЧРАШУВ ЖОЙИНИ ҲАҚИДА" ("МЕСТО ВСТРЕЧИ ИЗМЕНИТЬ НЕЛЬЗЯ")

Фильм иккинчи жаҳон урушидан сўнг Москвани даҳшатга солган "Қора мушук" номли босқинчилар тўдаси ҳақида ҳикоя қилади. Босқинчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғи Глеб Жеглов ва фронтдан яқинда қайтган Володя Шарпов айёр, шафқатсиз жиноятчи Фоксинг изига тушишади.

Ролларда: Владимир Висоцкий, Владимир Конкин, Наталья Фатеева, Леонид Куравлёв, Армен Жигарханян ва бошқалар.



СТС, сешанба

22.00 Фантастик жангари фильм "УНИВЕРСАЛ АСКАР" ("УНИВЕРСАЛЬНЫЙ СОЛДАТ")

Вьетнам урушида ўлган энг уста аскарларни фан уюқлари ёрдамида тирилтиришади. Электроника ўрнатилган, допингларга тўйинган танаси, дастурлаштирилган мияси уларни идеал ҳарбий машиналарга айлантиради. Фақат аскарлар ўтмишлари ёдларига тушганда яратувчилари назоратидан чиқиб кетишади...

Ролларда: Жан-Клод Ван Дамм, Дольф Лундгрэн, Элли Уокер ва бошқалар.



ТНТ, чоршанба

21.00 Комедия "ДАБДАБАЛИ ҲАЁТ" ("РОСКОШНАЯ ЖИЗНЬ")

Хаёлпараст Вероника Лос-Анжелес шаҳрида ўзига муносиб ёр топишга ишонади. У кўнглига ёққан икки йигитни учратади. Улар турли феъл-атворли бўлишса ҳам қизга бирдай маъқул келишади. Верониканинг боши қотган. Қандай бўлмасин икковини ҳам қўлдан чиқармасликка аҳд қилади. Бунинг йўлини ҳам топади. Масалани ҳал қилдим деганида учинчи ошқ пайдо бўлади...

Ролларда: Кэтрин Робертсон, Жонатан Шек, Мэтью Кизлар, Келли МакДональд, Эрик Мебиус.




ОРТ, пайшанба

0.30 Саргузашт фильм "АЛЯСКА"

Хусусий авиакомпания учувчиси Жейк Бернс хотинининг ўлимидан кейин қизи Жесси ва ўғли Шон билан Аляскага кўчиб келади. Жессига янги уй ёқади. Шон эса улгайгач бу ерлардан бутунлай бош олиб кетишни орзу қилади. Навбатдаги парвозлардан бири чоғида Жейкнинг самолёти тоғли жойда қулаб тушади. Қидирувлар натижа бермагач, уни бедарак йўқолди, деб эълон қилишади...

Ролларда: Тора Берч, Винсент Картхайзер, Дункан Фрэйзер, Гордон Тутусис ва бошқалар.



ЧОРШАНБА, 9

Ўзбекистон телеканаллари

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари".
Хужжатли телесериал.
9.50 Қўшна наволар.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Тафсилот".
"Ёзги таътил кунларида":
10.20 "Уддабурон болалар". Бадий фильм. 1-қисм.
11.50, 13.50 ТВ клип.
12.05 "Соғлом она - соғлом бола".
12.25 Мусикий танарфус.
12.35 "Буюк аждодларимиз".
12.55 ТВ анонс.
13.00 "Ўғрини ушла". Телесериал.
14.10 "Истеъмомчи".
14.30 Кундузги сеанс: "Марсга саяҳат". Бадий фильм.
16.10 "Ягона оилада".
16.40 "Оламни асранг!".
"Болалар сайёраси":
17.00 1. "Болаликнинг мовий осмони".
2. "Сехрли ҳарфлар оролчаси".
18.10 "Тадбиркор ва қонун".
18.40 "Хунарманд".
Республика Ички ишлар вазирлиги, Ички кўшинлар Бош бошқармаси ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда полковник А. Пачес бошчилигидаги «Осиё юлдузлари», шунингдек «Турон юлдузлари» гуруҳлари-

нинг аъзолари тўпланганларни хушнуд этишди. Мухлислар Фуломжон Ёкубов, Нуриддин Хайдаров, Анвар, Фаниев, Аваз Олимов, Собир Мўминов ва бошқа кўплаб халқ севган санъаткорларни илиқ қарши олишди. Азиза Ниёзметова, Феруза Жуманиёзова, Нодир-



бек Лутфуллаев, Озодбек Назарбеков каби ёш хонандаларнинг шўх кўшиқлари ҳам қалбларга бир олам завқ бағишлади. Томошабинлар республикада хизмат кўрсатган артистлар Ҳожибой Тожибоев, Обид Асомов, Валижон Шамшиев, Тўхтамурод Азизовларнинг ичакузди ҳангомаларидан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Хайрия тадбирини қизиқчи Шукрулло Исроилов ва Мирза Холмедовлар олиб боришди.

\*\*\*

Шунингдек, ушбу мажмуида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган тантаналарга ички ишлар ходимларининг фарзандлари, хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари

таклиф этилди. Республика ИИБ ШТБХ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Н. Расулов байрам қатнашчиларини табриклаб, «Жар» ССМнинг бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Исахўжаев билан бирга хизмат вазифасини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандларига вазирликнинг махсус эсдалик совғаларини топширди. Тадбирда «Шаҳзод» гуруҳи, ИИБ Ҳарбийлашган махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари ва таниқли санъаткорлар ўз куй-кўшиқларини болажонларга тақдим этдилар.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: тадбир иштирокчилари.

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

## АНЪАНАВИЙ ХОТИРА ТУРНИРИ

Бир неча йиллар давомида Тошкент милициясига раҳбарлик қилган милиция генерал-майори И. Сатторов хотирасига бағишланган анъанавий футбол турнири бу йил бешинчи бор ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар ИИББ тизимларидаги ички ишлар идораларидан жамоалар иштирок этди.

Дастлабки босқичда муваффақиятли иштирок этган жамоалар якунда совринли ўринлар учун ўзаро кураш олиб бордилар. Финалгача эса Сирғали ва Миробод туманлари ИИБ вакиллари етиб келишди. Учрашувнинг биринчи бўлимида Сирғали тумани ИИБ футболчилари олдинга чиқиб олишганди, аммо танаффусдан кейин мирободликлар ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди. Асосий вақтда дуранг қайд этилганлиги боис, голиб пенальтилар серияси орқали аниқланди ва унда Сирғали тумани ИИБ футболчиларига омад кулиб боқди. Учинчи ўрин эса Қўриқлаш бошқармаси жамоасига насиб этди.

Турнир голиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Тақдирлаш маросимида И. Сатторовнинг оила аъзолари иштирок этишди.

Сурхондарё вилояти марказидаги «Алпомиш» ўйингоҳида йўл ҳаракати ҳавфсизлиги хизмати ходимларининг хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлиги бўйича назарий билимларни ўзлаштириши ҳамда амалий кўникмаларни эгаллаши юзасидан республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Тадбир қатнашчилари – Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Навоий вилоятлари ИИБлари вакиллари биринчи, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм, Фарғона вилоятлари ИИБлари ва Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари эса иккинчи гуруҳда белгиланган шартларни бажаришди.

Жамоалар дастлаб йўл ҳаракати қоидалари бўйича имтиҳон топширишди, меърий ҳужжатларни ўзлаштириш юзасидан тест синовидан ўтишди. Шундан сўнг «ПМ-9» тўппончаси ҳамда «Калашников» автоматидан мерганлик мусобақаси, қўл жанги беллашуви, турникда тортилиш, 100-3000 метр масофага югуриш, йўлчирик ва тартибга солувчининг ишоралари, енгил автомобилни автодромда фи-

## КЎРИК-ТАНЛОВ

гурали бошқариш каби машқларда ўз билим ҳамда маҳоратларини намойиш этдилар. Икки кун мобайнида ўтган қизгин баҳсларда умумжамоа ҳисобида Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ИИБлари Тошкент шаҳар ИИББ вакиллари фахрий ўринларни эгалладилар.



Шахсий ҳисобда биринчи ўрин Навоий вилоятдан милиция капитани Ўқтам Ҳамроевга, иккита иккинчи ўрин Тошкент вилоятдан милиция сержанти Раҳмон Эргашев ҳамда сурхондарёлик милиция сержанти Шайдулло Тангировга насиб қилди. Учта учинчи ўринга эса Тошкент шаҳридан милиция капитани Маъруф Алиев, Навоий вилоятдан милиция майори Улғубек Бекиев, Тошкент вилоятдан милиция капитани Мухаммадҷон Амировлар сазовор бўлишди.

Автоматдан нишонга ўқотиш бўйича Андижон вилоятдан милиция капитани Нурбели Нишонов, қўл жангида қашқадарёлик милиция старшинаси Шодмонкул Авазов, 3000 метрга югуришда бухоролик милиция сержанти Эркин Тўхтаев, 100 метрга югуришда Тошкент шаҳридан милиция капитани Абдуғаффор Орипов, машина бошқаришда хоразмлик милиция сержанти Илҳом Ўринов ва сирдарёлик милиция сержанти Бозор Бер-

далиевлар энг яхши натижага эришдилар. Кўрик-танловнинг энг ёши катта иштирокчиси номинацияси бўйича голиблик милиция капитани Маъруф Алиевга, энг ёш иштирокчиси жаззахлик милиция сержанти Раим Тунишевга берилди.

Голибларга республика Ички ишлар вазирлигининг қимматбаҳо совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари топширилди. Танлов сўнггида вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги М. Жабборов беллашувда ўрнатилган иштирокчиларни раҳбарият ҳамда шахсий таркиб номида самимий муборакбод этди.

Р. ТЎРАҚУЛОВ.

Суратларда: кўрик-танлов иштирокчилари тақдирланаётган пайт (юқоридаги сурат); голиблар шохсупада.

Э. ТҮЛЯЕВ олган суратлар.

## ГАЗЕТА СОВРИНИ УЧУН

Хоразм вилояти ИИБ «Осойишталик учун» газетаси соврини учун «Эпчиллар ва чаққонлар» деб номланган мусобақа бўлиб ўтди. Унда ички ишлар идоралари ходимларининг фарзандлари спортнинг ўн тури бўйича куч синашдилар.

«Динамо» спорт мажмуида ўтказилган беллашувда вилоят ИИБ жамоаси биринчи, Питнак ва Урганч шаҳар ИИБлари вакиллари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

Голиблар вилоят ИИБ ва «Осойишталик учун» газетасининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Х. ЖАББОРОВ.

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

Жумабой ҚОЗОҚ олган суратлар.





Хабарлар

# НАФАҚАГА КУЗАТИШДИ

Лариса Живило, мана, 30 йилдирки, эл-юрт осойишталигини сақлаш хизматида. У Қашқадарё вилояти ИИБ котибияти бошлиғи сифатида узоқ йиллар самарали меҳнат қилди. Ички ишлар идораларининг турли соҳаларида ишлаш билан бирга ёшларга меҳрибон, тажрибали, талабчан ва қаттиққўл мураббий сифатида танилди, одамийлик фазилатлари туфайли улар қалбидан жой олди.

Яқинда ички хизмат подполковниги Лариса Живилони нафақадорликка кузатиш маросими бўлиб ўтди. Бошқарма бошлиғи, милиция полковниги Валижон Ходжаев уни табриқлар экан, ота касбини танлаб, адашмаганини айтди. Ўзининг кўп йиллик хизмати давомида бошқаларга ўрнак бўлганини таъкидлади.



Шундан сўнг бошқарма соҳавий хизматлари раҳбарлари Лариса Живилога қимматбаҳо эсдалик совғалари топширдилар. Л. Живило ҳамкасбларига миннатдорчилик билдирар экан:

– Мен мана шу дақиқаларда босиб ўтган ҳаёт йўлимни эслаб, умрим беиз кетмаганига амин бўлдим, – деди.

Б. ЭРГАШЕВ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – амалда

# КИНОЛОГЛАР МАСКАНИ

Қўқон шаҳридаги маиший хизмат касб-хунар коллежи ташкил бўлганига тўрт йил тўлмоқда. Асосий тўққизта йўналиш бўйича 550 нафар талаба ўқийдиган ушбу ўқув масканида кинология бўлими ҳам бор.

– Коллежга пойдевор қуйилганидан бошлаб шу ўқув юртига раҳбарлик қилаяпман, – дейди Маъруфжон Алиев. – Бу ерда асосан аҳолига маиший хизмат кўрасатиш йўналиши бўйича мутахассислар – ошпазлар, сартарошлар, радиотелеусталар, ҳисобчилар, тикувчилар, реклама ва афишалар тайёрловчи расомлар, сотувчилар, ҳамда кинология тайёрланмоқда.

Кинология бўлими 2001 йилдан бошлаб фаолият кўрсатаяпти. Биринчи бўлиб унга 9-синфни тамомлаган 25 нафар ёшларни қабул қилганмиз. Бу йил шулардан 23 нафари битирмоқда. Дастлаб анча қийинчиликларга дуч келдик. Ҳозир эса барча шарт-шароитлар етарли.

Бошланишида ўқув юртимизда таълим берувчи мутахассислар ва хизмат итлари бўлмаганлиги сабабли талабаларимиз Фарғона вилоятлараро милиция мактабига юборилиб, бир ой давомида касб бўйича сабоқ олишди. Кейинчалик даргоҳимизда ўқув базаси яратилди, касб сирларини ўргатиш бўйича малакали мутахассислар жалб қилинди. Ҳозир талабаларимизга истеъфодаги капитан Абдумутал Ботиров, олий маълумотли ҳуқуқшунос Ойбек Комилов, халқаро тоифадаги спорт устаси Анваржон Тиллаовлар дарс беришяпти. Ўқув-услубий материаллар божхона ўқув маркази орқали, шунингдек, республика Ўрта-маҳсус касб-хунар таълимни ривожлантириш институтидан ҳам олинмоқда. Булардан ташқари шаҳар мудофаа ишлари бўлими ҳамда шаҳар ИИБ ва Қўқон шаҳрида жойлашган Ички кўшинлар қисмлари билан шартнома тузилиб, улардан амалий машғулотларда фойдаланиб келинмоқда. Талабаларимиз ушбу ташкилотларда замонавий куруллар билан танишишяпти.

Биз талабаларимизга итларнинг феъл-атворларини мукаммал ўргатиш учун ўз ҳисобимиздан 5 та уч ойлик кучуқларни сотиб олдик. Шундан сўнг улар хизматга мослаштирила бошланди. Ҳозирда битирувчи талабаларимиз ўзлари ўргатган итлар билан ҳарбий хизматга ҳам кетишлари мумкин.

Биринчи қалдирғочлар коллежни битирдилар. Талабаларимизнинг кайфиятлари аъло. Чунки улар ўзлари танлаган касбни севадилар.

М. КИМСАНБОВЕВ.

# БИНОЛАР ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШ ОЛДИ

Жиззах шаҳар ички ишлар бўлимининг эски биноси таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди. Шу тариқа бу ерда қисқа вақт ичида вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда реабилитация марказлари, Жиззах вилояти ИИБ фахрийлар кенгаши учун замонавий бинолар қад кўтарди.

Яқинда ушбу биноларнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган маросимга ички ишлар ходимлари, фахрийлар ва меҳмонлар тақлиф этилдилар.

Тантанани вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги И. Муродов кириш сўзи билан очди. У кейинги пайтда вилоят, умуман мамлакатимизда амалга оширилаётган қурилиш ва ободончилик ишлари, шунингдек, барпо этилган янги иншоотларда яратилган қулайликларга тўхталди.

Маросимда иштирок этган республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда милиция хизматларининг роли, уларнинг қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлиги тўғрисида гапирди. Республика ИИБ

Фахрийлар кенгашининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов вилоят ИИБ томонидан фахрийлар учун яратилган шароитдан мамнун эканлиги, ўз навбатида кексалар бундай ғамхўрликдан руҳланиб, ўз фаолиятларини кучайтиришларини айтди. Вилоят ҳокими У. Яманқулов, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция майори С. Тожиматов ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, Жиззах шаҳрида қад кўтарган янги бинолар юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг меваси эканлигини таъкидладилар.

Шундан сўнг мусиқа садолари остида милиция ходимлари майдондан саф тортиб ўтишди,

хизматларга ажратилган транспорт воситаларининг кўриги бўлиб ўтди.

Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Тантананага тўпланганларнинг гулдурас қарсақлари остида фахрийлар биноларнинг очилиш маросими лентасини қирқдилар. Барча замонавий жиҳозлар билан таъминланган хоналарга кириб, яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди. Шундан сўнг йиғилганлар байрам дастурхонига тақлиф этилди.

Шу куни вилоят ҳокими У. Яманқулов ва милиция полковниги И. Муродовлар бир гуруҳ фахрийлар ҳамда ўрнак кўрсатган қурувчиларга эсдалик совғалари топширдилар.

Р. СИБГАТУЛЛИН.

Хизматларда

Бекобод – республикамиздаги йирик sanoat шаҳарларидан бирidir. Худудда металлургия заводи, цемент комбинати ва бошқа корхоналар тўла қувват билан ишлаб турибди. Уларнинг тўлақонли фаолият юритишида кўриқлаш хизматининг аҳамияти катта.

Бекобод шаҳар ИИБ хузуридаги туманлараро кўриқлаш бўлини маси тасарруфида саксондан ортиқ объектлар мавжуд. Ходимлар ўзларига ишониб топширилган мулкнинг шаклидан қатъи назар уларни ўғри ва ташмачилардан асраш учун жон куйдириб меҳнат қилишяпти. Ўтган йили 3 та ўғирлик ҳолати аниқланиб, иссиғида фош этилди, 4 тасининг эса олди олинди. Ходимларнинг ҳушёр ва хизмат бурчларини сидқидилдан бажаришлари натижасида 138 та

майда ташмачиликка ўз вақтида тўсиқ қўйилди. Айбдорлардан 300.000 сўм жарима ундирилди. Жорий йилнинг бошидан буён эса бундай нохуш ҳолатлар деярли қайд этилмади.

Бугунги кунда кўриқлаш хизматининг вазифалари бундан ўн-ийгирма йиллар аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Илгари ўғирланган ёки талон-торож этилган мулкдан эгасига келтирилган зарар хизмат томонидан қопланмас эди. Эндиликда кўриқланаётган барча объектлардаги мол-мулк учун уни кўриқлашга олган хизмат жавобгар ва етказилган зарар тўланади. Бундай масъулият ўз навбатида ходимларнинг хизмат-жанговар, жисмоний тайёргарлиги ва касб маҳоратини юксалтиришни тақозо этади. Маърифат дарсларида уларнинг сиёсий онги билан бирга жавобгарлик ҳиссини оширишга ҳам эътибор берилляпти. Ўтказиладиган йўриқларда бу ҳақда доимо гапирилади. Тунги назорат текширувлари ҳам самарали натижалар бераёпти. Хизматнинг вазифаси фақат бино ва иншоотларни кўриқлашдангина иборат, деган фикрга бормаслик лозим. Мазкур соҳа вакиллари ички ишлар идоралари томо-

нидан жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ўтказиладиган барча тезкор тадбирларда фаол қатнашишяпти. Шунингдек, юртимиз сарҳадлари дахлсизлиги, осойишталигини асрашдек шарафли ишга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Чегара блок-постида хизмат вазифасини ўтаётган бўлинма катта инспектори, милиция лейтенанти И. Мамажонов қўшни Тожикистондан худудимизга 70 литр спиртни ноқонуний равишда олиб кираётган Б. Каримни ушлаган. Шу йил февраль ойида бўлинма ходимлари, милиция катта сержанти Ё. Раҳимов, милиция кичик сержанти Ф. Абдуалиевлар 150 литр бензинни айланма йўллар орқали Тожикистонга олиб кетаётган фуқаро М. Ҳайдаровани тўхтатиб қолишди.

Бугунги кунда аҳоли ҳеч иккиланмай хонадонларини кўриқлашга топшираёпти.

– Айна пайтда тасарруфимизда юздан ортиқ хонадонлар бор, – дейди бўлинма бошлиғи, милиция майори Абдусаттор Ражабов. – Бўлинмада 2 та пульт бўлиб, уларга 8 нафар операторимиз туну кун кўз-қулоқдирлар. Ташвишегоҳ ишлаши билан тезда манзилга етиб бориш учун 4 та автомашина доимо шай. Зарур алоҳа восита-

лари билан таъминланган ходимларимизни воқеа жойига жалб этиш юқори даражада йўлга қўйилган. Сафарбарлик тезлигини ўрганиш мақсадида улар билан машғулотлар ўтказиб турилади. Ҳайдовчиларимиздан, милиция сержанти С. Алимов, милиция кичик сержанти С. Худойбергеновлар худуддаги ҳар бир шохқўча, кўча ва йўлақларни яхши би-лишади.

Кўриқланаётган идоралардан келаётган мактублардан шу нарса маълум бўлаяптики, милиция катта сержантлари Р. Ортиқов, Ш. Яҳёев, А. Маллабоев, Р. Фозилов ва бошқалар зиммаларидаги вазифаларни шараф билан удалашаяпти.

Бўлинма бошлиғининг техника бўйича ўринбосари, милиция майори Р. Шербекоев барча техник воситаларнинг созлиги ва шайлигини ҳар куни кўздан кечириб, уларнинг узлуксиз ишлаши учун зарур чора-тадбирларни белгиламоқда.

– Бизга ишониб топширилган объектда бирор нохуш аҳвол юз берса, зарарни қоплаш тўла зиммамизда, – дейди у. – Акс ҳолда

мижозлар ишончини йўқотамиз. Шу боис ўғирлик, ташмачилик ва талон-торожликларга йўл қўймаслик учун бор имкониятларни ишга солаёпмиз.

Шахсий таркибнинг оилавий аҳволини ўрганиш, саломатлиги ҳақида қайғуриш, меҳнатига яраша рағбатлантириш ҳам бўлинма раҳбариятининг доимий эътиборида. Ўтган йили уч нафар ходимнинг турмуш шароитини яхшилаш




учун раҳбариятга тақдимнома киритилди, беш нафари мукофотланди, 2 нафарига соғлигини тиклаш учун йўлланма берилди.

Айна пайтда хизмат ўталаётган бинода ҳамшира хонаси, дам олиш хоналари ҳамда ошхона мавжуд. Спорт залидаги мавжуд анжомлар ҳам уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний чиниқтиришга хизмат қилаёпти.

М. ИБРОҲИМОВА.

Суратларда: Марказий кўриқлаш пульти оператори О. Норкулова маълумотларни қабул қилмоқда; гуруҳ навбатдаги чақирувга кетмоқда.

Муаллиф олган суратлар.





## САЛОМАТЛИК САҲИФАСИ

## ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Бундан 40 йил муқаддам Ички ишлар вазирлиги тизимида махсус карантин-қўриқлаш хизмати ташкил этилган. Шундан буён бўлим ва унинг жойлардаги бўлинмалари шахсий таркиби бошқа ветеринария идораларига яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда. Чунончи, аҳоли, шунингдек, хўжалик ва корхоналар томонидан ветеринария қоидаларига амал қилиниши, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалар орасида учрайдиган ўта хавфли юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар ўтказилишига амалий кўмак бераёпти.

– Республикамиз ҳудудидаги 56 та доимий карантин масканларида 90 нафарга яқин ходимларимиз туну кун мутасадди хизмат вакиллари билан ҳамкорликда фаолият олиб боришаётир, – дейди республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ карантин тадбирларини таъминлаш бўйича милиция бўлинмаларига раҳбарлик қилиш бўлими катта инспектори, милиция майори Даврон Зияматов. – Жумладан, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ўртасида оқсил, куйдирги, қутуриш каби ўта юқумли касалликларнинг тарқалишини олдини олиш борасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ветеринария бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (ДСЭНМ) ва Муҳим хизмат кўрсатиш идоралари билан биргаликда эпизоотик ва эпидемик вазиятни барқарорлаштириш юзасидан

тадбирлар ўтказилди. Жорий йил бошидан буён ветеринария ва бошқа хизмат ходимлари ҳамкорлигида деҳқон ва мол бозорлари, шунингдек, шаҳар, туман ҳамда аҳоли яшаш жойларида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилди. Ўтказилган тадбирлар натижасида ветеринария қоидаларини бузган 12 минг нафардан ортиқ шахсга нисбатан маъмурий баённома тузилиб, улардан қарийб 22 млн. сўм жарима ўндирилди. Мисол учун, яқинда Тошкент шаҳридаги “Эски жўва” деҳқон бозорида ветеринария хизмати, ДСЭНМ ходимлари ҳамда шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ карантин тадбирларини таъминлаш бўйича милиция бўлинмаси ходими, милиция катта сержанти Абдураим Қурбоновлар 465 кг вазндаги мол гўштини ветеринария текширувидан ўтказмасдан сотаётган

қашқадарёлик Ш. Холлиев ва М. Оқмирзаевларни аниқлашди. Қоидабузарларга нисбатан маъмурий чора қўлланилди. Шунингдек, милиция сержанти Фуркат Ўроқов С. Худоёров ва Б. Хайдаровлар сотаётган 272 кг мол гўштини ветеринария хизмати ёрдамида тегишли текширувдан ўтказганида, маҳсулот истеъмолга яроқсизлиги аён бўлди. Маҳсулот белгиланган тартибда ҳужжатлаштирилиб, йўқ қилинди.

Булардан ташқари, республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан одамлар ва ҳайвонлар орасида қутуриш касаллигига қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари бўйича қабул қилинган қарор талаблари ижросини таъминлаш борасида коммунал хизмат кўрсатиш идоралари вакиллари билан биргаликда йил бошидан буён 6758 бош дайди итлар аниқланиб, ушланди. Ит сақлаш қоидаларига амал қилмаган 1300 нафардан ортиқ фуқарога нисбатан маъмурий баённома тузилиб, уларга қарийб 2 млн. 300 минг сўм миқдорда жарима солинди.

Соҳа ходимлари фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Демакки, тизим шахсий таркиби халқимиз саломатлигини сақлаш йўлида жонбозлик кўрсатиб, белгиланган вазифаларни шараф билан адо этиб келишмоқда.

Қобилжон ШОКИРОВ.

## ЎЛАТ КАСАЛЛИГИ ҲАҚИДА

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда ўлат (чума) касаллиги ўтган 15 йил ичида 24 та давлатда қайд этилган. Мазкур хасталикнинг табиий ўчоғи республикаимизнинг чўл ҳудудларида ҳам мавжудлиги, у ердаги кемирувчиларда вақти-вақти билан касаллик эпизоотияси давом этаётгани ҳамда қўшни давлатлардан бу касалликнинг кириб келиш хавфи борлиги зарур чора-тадбирлар кучайтирилишини тақозо этади.

Ўлат, асосан, чўл ҳудудлари атрофларида яшайдиган аҳоли орасида, кемирувчилардан одамларга юқадиган, кўпроқ тери, ўпка ва лимфа тугунларини зарарлайдиган ўта хавфли ўткир юқумли касаллик ҳисобланади. У кўплаб одамларнинг ёстиғини қуритган. Бутун бир шаҳарлар аҳолиси ёғпасига қирилиб кетгани ҳақидаги тош ёзувлар Миср ва Византияда ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Хасталикнинг 90 фоиздан ортиқ ҳолларда ўлим билан тугайдиган формаси ҳам мавжуд. Шунга қарамай айни пайтда бу касаллик катта муаммо ҳисобланмайди. Чунки замонавий тиббиёт ютуқлари ва профилактик чора-тадбирлар самарали қўлланиши туфайли эпидемиянинг олдини олиш ва бу касалликдан самарали ҳимояланиш мумкин. Бунинг учун эса энг аввало аҳолининг билимини ошириш талаб этилади.

Ўлат зооноз касаллик бўлиб, асосан кемирувчилар (чўл қумсичқони, юмронқозик), баъзан бўри ва туяларда табиий ўчоқ ҳолида сақланади. У асосан, қон (кана ва бурга чаққанда), озиқ-овқат маҳсулотлари (касал ҳайвон гўшти истеъмол қилинганда), ҳаво томчи йўли (касал бемор билан мулоқотда бўлганда) орқали юқиши мумкин. Хасталик бехосдан бошланади. Бунда ҳарорат юқорилиги, ҳолсизлик, титраш, иштаҳа йўқлиги, бош оғриғи, бурундан қон кетиши, чанқаш, ич кетиши, тез-тез қайт қилиш, ўткир ҳолларда хушдан кетиш, юрганда тебраниш, алаҳсираш белгилари кузатилади. Ана шу белгилар аниқланганда беморни тезда мутахассис шифокор қабулига олиб бориш керак.

Касалликнинг олдини олиш учун қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

– касалликнинг табиий

ўчоғини тугатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, кемирувчиларни йўқотиш (дератизация) ишларини мунтазам ўтказиб туриш;

– аҳоли яшаш жойларини озода сақлаш;

– умумий ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш;

– хонадонларда бурга, кана ва пашшалар кўпайишининг олдини олиш, уларга қарши дезинфекция-дезинсекция тадбирларини ўтказиб туриш;

– озиқ-овқат маҳсулотларини кемирувчилар ва пашша тегмайдиган жойларда сақлаш;

– кемирувчилар, хусусан чўл қумсичқонлари, юмронқозиклар ва бошқа чўл ҳайвонлари билан мулоқотда бўлишдан (улар зарарлаган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш, кемирувчиларни овлаш, терисини олиш) сақланиш;

– ветеринария хизмати назоратидан ўтмаган ҳайвонлар гўштини истеъмол қилмаслик.

Ўйлаймизки, ўзингиз ва яқинларингиз соғлиғига эътиборсиз бўлмайсиз. Бунинг учун шифокор маслаҳатига доимо амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Д. ТўРАНАЗАРОВ,

табиий хизмат полковниги.


Дунёда сирка нималигини билмайдиган киши топилмас керак. Кўпчилигимиз оддий, синтетик (сунъий) ошхона сиркасидан фойдаланамиз. Аммо унинг шифобахш хусусиятлари йўқ ҳисоби. Олма сиркаси анча кенг тарқалган.

Сирканинг яна қатор навлари борлигини ҳамма ҳам билармикан? Уларнинг саломатлигимизга нафисчи? Келинг, яхшиси ана шу ҳақда суҳбатлашамиз.

## ОДДИЙ КАШФИЁТ

Сирка одамзотга 10 минг йилдан буён маълум. Уни вино тайёрловчилар кашф этишган эди. Одамлар қадим-қадимдан бир нарсани билиб олишди. Яъни вино сақланадиган идиш 2-3 ҳафта очиқ қолдирилса, ичимлик ачиб, сиркага айланаркан. Кимдир, қачондир “Балки ачиб қолган винони бекорга тўкиб ташламасдан, бирор-бир мақсадда ишлатса бўлар”, – деб ўйлаб қолди. Шунда сирканинг қатор ноёб, фойдали хусусиятлари аниқланди. Масалан, у озиқ-овқатларни айнишдан сақлайди, сувни тозалайди, гўштни юмшатади, чанқовни қолдиради, кўплаб хасталикларга даво бўлади ва овқатнинг таъмини яхшилади. Ўшандан буён сирка олиш учун винони атайлаб ачита бошлашди. Оқ, қизил винодан, мадера ва портвейндан, олмадан, гуручдан сирка ҳосил қилишни ўрганишди. Охири бунинг сунъий йўлини ҳам кашф этишди.

## НОРДОН, АММО ФОЙДАЛИ



## УЗУМ СИРКАСИ

Олма сиркаси билан бир қаторда узумдан олинадиган сирка ҳам анча кенг тарқалган. Уни узум виносини ачитиб ҳосил қилишади. Энг яхшиси, вино охиригача бижғиб, таркибидаги спирт миқдори 7-7,5 фоизга етгани маъқул.

Унинг таркиби шакар, органик кислоталарга бой. Айнан вино кислотаси, цумоли кислотаси кабилар бу табиий сиркага шифобахшлик хусусияти бахш этади.

Узум сиркаси умумий ҳолсизланиш, асаб тизимининг чарчаши, камқонлик каби хасталикларга шифо бўлади. Одатда бу касалликлар модда алмашинувининг бузилиши ва иштаҳанинг пасайиши оқибатида келиб чиқади. Узум сиркаси эса қон айланишини яхшилади, иштаҳани очади.

Олма сиркаси овқат ҳазм қилишга ижобий таъсир этса, узум сиркаси нафас олишни яхшилади. Ундан йўтал, бронхит, плеврит, ҳатто сил касаллигини (энди-энди бошланаётган бўлса) даволашда фойдаланишади, чунки у балғам кўчириш хусусиятига эга.

Узум сиркасининг асал билан аралашмаси хусусан ошқозон-ичак йўли фаолиятини яхшилашда фойдаси катта. Жигар хасталикларини даволашда, буйракда тош пайдо бўлганда унинг нафи тегади.

Узум сиркасини дўконларда харид қилиш мумкин. Қолаверса, уни ўзингиз тайёрласангиз ҳам бўлади. Бунинг учун бир ярим кило эзилган

узумни уч литрли банкага соласиз. Унга 200 грамм шакар қўшиб, устидан 1,5 литр сув қуюсиз. Сўнг банкани икки қават дока билан ўраб, ёруғ хонага қўйинг. Сирка уч ойдан кейин тайёр бўлади. Сўнг унинг устки қатлами олиб ташланади, сирканинг ўзи эса сақлаш учун шиша идишларга қуйилади. Бундай йўл билан олинган узум сиркаси хуштаъм, хушбўй бўлиб, таркибидаги сирка кислотаси 5 фоизни ташкил этади.

## ҚАДИМГИ РЕЦЕПТ БҲИИЧА

Рим империясида бир пайтлар кашф этилган сирка малҳами ҳозирги кунда италиялик бир неча оиланинг беҳисоб бойлик орттиришига ёрдам берди. Уни ўн йиллар давомида сақлаб ҳосил қилишади. Бир қанча сирли ингредиентлардан иборат, ажойиб, хушбўй хидли, хуштаъм бу малҳам ноёб хусусиятларга эга. Масалан, бир неча томчиси истеъмол қилинса, ёш келин-куёвларнинг ишқий ҳиссиётларини жўш урдираркан. Бундан ташқари у уйқусизлик, депрессияга даво. Ҳозир ушбу сирка жуда қиммат туради. Унинг бир шишасини 1000 АҚШ долларига сотиб оладиган бойваччалар ҳам топилади.



## Қилмиш-қидирмиш

Камарнисонинг турмуш ўртоғи пул ишлаш учун олис юртга йўл олди. Икки боласи билан қолган аёл онасиникига қайтиб келди. Умр йўлдоши шу кўйи дом-дараксиз кетди. Хотинига на хат-хабар юборди, на пул жўнатди. Моддий жиҳатдан қийналиб қолган аёл фарзандларини онасига ташлаб, Янгиер шаҳрида яшовчи акаси Норматниқига борди. Акасининг хусусий дўкони бўлиб, ўзига тўқ, қолаверса, опаси Хуршида шу яқин ўртада. Ҳар ҳолда ёлғизланиб қолмайди. Акаси чиндан ҳам уни ўз ҳолига ташлаб қўймади. Синглиси ва жиянларини зориктирмаслик мақсадида Камарнисога дўконда ишлаб топган пулидан ортиқроқ ҳақ тўлай бошлади. Бундан ташқари ахён-ахёнда уларга уст-бош олиб берар ва бу бегараз бўларди. Тушумни янада кўпайтириш илинжида Нормат қурилиш хомашёси ҳам келтира бошлади.

— Кечирасиз, синглим, Нормат акамлар кум сўрагани, қаёққа тўқай, — деди бир кун дарвозани очган Камарнисога остонада жилмайиб турган йигит. Камарнисо уни аввал ҳам бирикки кўрган, Комил эса илк бор дуч келиши эди. Аёлнинг юраги ҳар галгидек безовта ура бошлади. Уйда ёлғиз қолганидан фойдаланиб, ноз-карашма билан гап қотди:

— Акамни кўпдан бери биласизми?

— Ҳа, анчадан буён.

— Анчаси қанча?

— ...

— Негадир авваллари сизни сира кўрмаган эканман.

— Акангиз билан кўпдан салом-алигимиз бор. Мана шу дўкон қурилаётганда хизмат қилиб танишиб қолгандик.

Камарнисо Комил ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолган, уни қандай бўлмасин ўзига қаратиш хусусида бош қотирарди. Охири унга хат ёзиб, ҳеч ким йўғида секин кўлига тутқазди. Йигит нари бориб мактубга кўз югуртирди.

“Комил ака! Мени тўғри тушунасиз деган умидданман. Сизни севиб қолдим. Менга ҳеч нарсангиз керак эмас. Оилангизни бузмоқчи эмасман. Фақат баъзи-баъзида учрашиб турсак шунинг ўзи кифоя. Ёки мени ёқтирмайсизми?”

Мактубни ўқиган Комил нима қиларини билмай қолди. Нормат ака билиб қолса нима бўлади! Хотини, болачақаси-чи... Яхшиси, ўзини ҳеч нарса бўлмагандек тутгани маъқул. Камарнисонинг хатига жавоб бермайди, вассалом. Бироқ, устма-уст ҳали кўлига, ҳали чўнтагига, баъзан машина ўриндиғига ташаётган ишқий мактублар ун-

даги қатъиятни енга бошлади. Аёлнинг эҳтиросли сўзлари, нозланиб боқишлари истаса-истамаса хаёлини ўғирлади. “Э, йигитчилик, бир таваккал қилсаммикан?!” Комил ўзини қанча олиб қочса, Камарнисо шунчалар таъқиб этарди. Кўп ўтмай эркакнинг ўзи уни қидира бошлади. Тез орада иккиси тил топишди. Улар тез-тез учрашиб турадиган бўлдилар. Нормат буни пайқаман бўлса-да, Камарнисонинг Гулистондаги опаси ҳамма гапдан хабардор эди. Ошиқ-маъшуклар Хуршидани кўриб келиш баҳонаси-

тишни дилига тугиб қўйган ҳамма гаплари эса айтилмай қолди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Камарнисо яна келди.

— Уйимга тез-тез боришингиз шарт эмас, телефонда гаплашиб турибмиз-ку, — энсаси қотди Комилнинг.

— Нима, кеннойим билан дугона бўлсам ёмонми? Борди-келди қилсак яхши эмасми?!

— Ёмон, — деди жаҳли чиққан Комил. — Эртами, кечми хотиним билиб қолса, хонавайрон бўламан. Ахир фарзандларим бор.

— Фарзанд фақат сизда борми? Билса нима қипти?! Шу юрагингиз билан эркакман деб юрибсизми? Унда нега менга

риб келаверди. Бу ерда бошқа гап борлигини сезган Раъно эса эрининг “ёрилишини” қутиб, оғзини пойларди. Бу узоққа чўзилмади. Комилнинг турли баҳоналарни рўқач қилиб, учрашувдан бўйин товлаши меъдасига теккан Камарнисо бир куни шахт билан хонадонга кириб келди.

— Дугонажон, энди ҳақиқатни айтадиган вақт келди, — деди у. — Биз Комилжон иккимиз бир-биримизни севамиз. Икки йилдирки, учрашиб келамиз. У менга уйланади. Хоҳласангиз, хоҳламасангиз шу!

Анчадан бери бу ҳақда гумонланиб юрган Раъно сурбетларча айтилган сўзлардан на йиғлашни, на жанжал кўтаришни билолмай турганида Комил кириб келди. У воқеадан дарак топгач, ўзини оқлашга, жазманини эса ҳайдашга уринди.

Хушторини осонгина, кўлидан етаклаб олиб чиқиб кетишни мўлжаллаган аёлга бу оғир ботди. Рўжаси пучга чиққач, у Комилни юмдалашга ўтди. Ўртада айтилмаган гап қолмади, ҳисоби. Жанжал ва камситиш-

ларни эшитган кўни-қўшнилари бирин-кетин йиғилаверди. Шаллақилиги иш бермаслигига кўзи етган Камарнисо чекинишга мажбур бўлди.

Кечга яқин у опаси Хуршида, холаси — қўшни хотин Рўзигул ая, опасининг таниши Йўлдош ақани хонадонга бошлаб келди. Бўлди жанжал, бўлди қиёмат! Томоша устига куёвининг жазмани борлигидан хабар топган Раънонинг яқинлари келиб қўшилишди. Комилнинг тарафдорлари кўпчиликини ташкил этгани боис Камарнисо чекинди.

Эртаси тонгда бир неча барзанги йигитлар ҳамроҳлигида келган Камарнисо:

— Сенга кетган сарф-харажатларимни тўлайсан. У ёқ-бу ёғи бир ярим миллион, эсимга тушса яна айтарман, — дея Комилнинг кўлига рўйхат тутқазди.

— Менинг бунча пулим йўқ! — капалаги учган Комил аранг гапира олди. — Мен сарф қилгин деб сўрамаганман. Ўзинг олиб келгансан.

— Еб-ичиб энди тонасанми?! Тўлайсан, гап тамом-вассалом! Йўқса, уйингга ўт қўйилади. Биз билан ўйнашма! Бир ой муҳлат сенга!...

Орадан бир ой ўтиб пулга келганлар Комилнинг бир сўм ҳам тайёрлаб қўймаганини кўриб жиғиб-ийронлари чиқди. «Қарздор»ни уриб тепа бошлашди. Ҳайрият кўни-қўшнилари бор экан, Комилнинг жонига оро киришди.

Камарнисо уни тинч қўймади, ростдан ҳам хонумонидан ажраб қолиши мумкинлигига кўзи етган Комил Сирдарё вилояти ИИБга нажот сўраб мурожаат қилди. Товламачилар Комилдан талаб қилинган пуллари олаётган вақтда кўлга олиндилар.

М. ИБРАГИМОВА.

# БАХТ ЎҒРИСИ

да бирга тунни ўтказиб қайтиши опага сир эмасди. Хуршида синглисига уни батамом эгаллаб олиши учун турли йўл-йўриқлар берарди.

Бир куни Комил уйига келса, Камарнисо ўтирибди. Қизчасининг эгнида янги кўйлачка, ўглининг оёғида кроссовка, хотини Раънонинг бошида оҳори тўкилмаган рўмол. Дастурхон тўла ноз-неъмат. Бундай ҳолатдан каловланган Комилни кўрган Камарнисо сир бой бермай гап қотди:


— Акам бир машина шағал буюрмоқчи эди, сизни топа

илакишдингиз?

— Ҳали менми сизга илакишган?! Хат ёзавериб энкатинкамни қуритган ким эди?! “Севаман, севаман” деб ҳоли-жонимга қўймай, қароқчидай йўлларимни тўсган-чи?

— Мен эртага, йўқ ҳозирок бориб Раънога бор гапни айтаман. Ё мени дейсиз ё уни!

Камарнисонинг гап-сўзларидан билиндики, у хотинини қўйдириб, Комилга тегиб олмақчи. Наҳотки, бу маккоранинг тузоғига илинган бўлса? Ундай қандай қутулиш мумкин? Боши берк кўчага кириб



олмади. Тайинлаб айтиб кел, деб мени юборди. Эртага соат ўнларга етказмасангиз иш тўхтаб қоларкан.

Комил ўйлаб кўрса, машинани тузатиш ҳаракатида бир ҳафтадан буён уни йўқламабди. Бунинг учун ўзини айбдордек ҳис қилди, кейин эса гаши келди. “Ҳали, бу мени кўғирчоқдек ўйнатмасайди”, — тишларини гичирлатди у. Жазманининг уй тўрида бемалол ўтириши, хотинига ялтоқланиши Комилга ёқмади. Эртаси куни учрашув чоғида ай-

қолган Комил яхши гапириб аёлни шаштидан қайтармаса, оиласидан ажраб қолишига кўзи етди. Хуллас, у кўнди, фақат Камарнисо чақирганда шу заҳотиёқ ёнида бўлиши керак эди. Вақт ўтиб, рўйхуш бермасам у мендан воз кечадди, деб ўйлаган Комил жуда катта хато қилганини фишт қолипдан кўчганидан сўнггина англади.

Чунки телефон кўнғироқларига “лаббай” деб жавоб беришига қарамай, Камарнисо истаган вақтида уйига бости-

## ҚИЗЧАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига



2004 йил 19 май куни Миробод тумани ИИБ профилактика инспектори, милиция лейтенанти А. Артиков томонидан “Фарғона йўли” кўчасида қаровсиз юрган 7 ёшлар чамаси қиз бола олиб келинди. У ўзини **Анастасия Баханова** деб таништирди. Сўхбат чоғида, отаси қамоқда, онаси қаерда эканини билмаслигини айтди.

**Белгилари:** бўйи 110–115 см, озгин, юзи чўзиқроқ, қиррабурун, кўзи кўк, сочи сарғиш.

**Алоҳида белгилари:** пешонасининг ўнг томони ва чап кўзида чандик, ўнг қўлининг биллак қисмида холи бор. Тишларининг олд томони тепа қисми йўқ.

**Кийимлари:** эгнида кўк гулли юбка, пушти ранг колготка, пушти гулли жемфер, гулли нимча, кўк футболка ва оқ майка бор.

**Қизчаниннг ота-онаси, қариндошлари Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат этишлари мумкин.**

**Телефонлар:** 191-34-31, 191-52-37

## ЁРДАМ КЎРСАТИШНИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ

2004 йил 19 май куни кеч соат 20.40 ларда фуқаро Б. Ҳасанов ўзига тегишли “ВАЗ-2106” русумли, 10 W 5270 давлат белгилари автомашинасида Тошкент шаҳар Халқлар дўстлиги шоҳқўчасининг Тошкент вилояти касалхонаси биносига яқин қисмида Европа миллатига мансуб, 45-50 ёшлардаги аёлни уриб юборган. Жабрланувчи ўзига келмай 16-шаҳар касалхонасида вафот этган. Ушбу автоҳалокат юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси йўл-транспорт ҳодимлари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлими томонидан жиноят иши кўзга тилган.

Аёлнинг ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган.

**Белгилари:** ўрта бўйли, сочи тўқ жигарранг.

**Кийимлари:** эгнида кўк спорт костюми, оч жигарранг кўйлак бўлган.

**Номаълум аёлни таниган ёки билганлардан Тошкент шаҳар ИИББ ТБ йўл-транспорт ҳодимлари билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлимига 55-90-56, 133-19-79 телефонлари орқали хабар беришларини сўраймиз.**

Республика ИИБ ЖК ва ТҚКББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Наркотрафик ва наркотик моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили, милиция майори Ж. Холмирзаевга падари бузруқвори **МИРКАМОЛ отаниннг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Ш. Тешабековга акаси

**Улуғбек ТЕШАБЕКОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ Тергов бошқармасининг бўлинма бошлиғи, милиция майори Ш. Рўзиназаровга акаси

**Шерали РЎЗИНАЗАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.



Сиз кутган учрашув

# «ДЕТЕКТИВ ФИЛЬМЛАРДА ЎЙНАСАМ ДЕЙМАН...»

Дилкаш, самимий суҳбатлар инсонга хузур бағишлайди, кўнгилни кўтарди. Бугунги суҳбатдошимиз — «Усмон Носир» спектаклида Усмон Носир, «Муқаддас тахтизар» спектаклида Спитамен, «Кирол Лир» спектаклида Эдмонт, «Хамлет» спектаклида Лазерт ролларини ўйнаб, элнинг назарига тушган санъаткор, Ўзбек Миллий Академик театри актёри Учқун Тиллаев.

— Кўпгина касб эгалари: «Бу менинг болаликдаги орзуим эди», — дейишади. Сиз болалигингизда ким бўлишни орзу қилгансиз?

— Очиғи, актёр бўламан, деб сира ўйламаганман. Ҳатто мактабни битириш арафасида ҳам ҳали бир тўхтамаган келмагандим. Ҳарбий хизматдан қайтдим. Энди мақсадим — актёр ёки ҳарбий бўлиш эди. Хуллас, ҳужжатларимни таваккал қилиб актёрлик факультетига топширдим. Кирсам-кирдим, бўлмаса, кейинги йил республика Ички ишлар вазирлиги Академияси ёки Тошкент Давлат юридик институтига киришга уриниб кўраман, ички ишлар соҳасида хизмат қиламан, деб ўйлаганман. Чунки бу касбга жуда ҳурматим баланд эди. Ҳозир ҳам шундай, лекин ўшанда биринчи уриниш-

даёқ омадим келиб, талаба бўлдим.

— Устоз сифатида кимларни тилга олиб ўтган бўлар эдингиз?

— Институтда актёрлик маҳорати фанидан профессор Арсен Исмоилов, доцент Махмуд Рашидов, саҳна нутқидан эса Розия Усмоновалар сабоқ беришган. Уларнинг ўғитлари ҳали — ҳамон қулоғимда. Устозларимдан ҳамisha қарздорман ва озми-кўпми эришган ютуқларимда уларнинг катта ҳиссаси бор деб ўйлайман.

— Қандай сиймолар руҳиятингизга яқин?



— Менимча... драматик асарлардаги қаҳрамонлар руҳиятимга яқин бўлса керак. Орзуим театр-

да трагикомедия жанрида образ яратиш.

— Ҳар бир касбнинг ўзига яраша қийинчилиги бўлади...

— Тўғри айтдингиз. Инсонга бировнинг касби энгилга ўхшаб туюлади. Аслида ундай эмас. Чунки ҳамма ерда ўзига яраша тош-тарози бўлади. Инсон, аввало, касбидаги қийинчиликларни энгилга ўта олиши керак. Йўқса, ўз ишининг устаси бўла олмайди.

Актёрнинг роли кучли чиқиши кўп жиҳатдан партнёрига ҳам боғлиқ, ўзимга мос, тўғри келмайдиган партнёр билан роль ижро этиш-

— Ҳозирги кунда нималар билан бандсиз?


— Яқинда кинорежиссёр Санжар Бобоев томонидан Муҳаммад Исмоилнинг «Юлдузлар куйган тун» асари асосида фильм суратга олинди. Унда салбий роль ижро этдим. Фильм ҳадемай экран юзидан кўриб қолса, ажаб эмас. «Синема маркет Болливуд» қўшма корхонасида синхрон дубляж бошланган. Асосан вақтим ўша ерда ўтаяпти, десам ҳам бўлади. Ҳозирда ҳинд кинофильмлари дубляж қилинмоқда. Уларга овоз беришда қатнашяпман.

— Ўзингиз истаган, орзу қилган образингизни яратдим, деб ўйлайсизми?

— Фильмларда ҳали ўзим ўйлаган образни яратганим йўқ. Келажакда халқимизнинг ҳақиқий посбони, мард, жасур ички ишлар ходимининг ҳаётини талқин этишни хоҳлайман. Яна бир орзуим — детектив фильмларда роль ижро этиш.

— Оилангиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Оиламизда ўғиллардан кенжасиман. Бизда асосан кенжа ўғил уйда қолиб, ота-онасига суянчиқ бўлади, уларга қарайди. Лекин тақдир, қолаверса, касбим такозоси туфайли Тошкентга келиб қолганман. Уларга акаларим қарашади. Лекин соғинтириб қўймасдан тез-тез улардан хабар олиб



туришга ҳаракат қиламан. Уйланганман. Икки фарзандим бор: Шаҳноза ва Турғун. Яна нима дейишим мумкин. Оиламни ҳурмат қиламан ва албатта қадрлайман.

— Инсон дунёга бир марта келади. Шу берилган умрни нималарга сарфлаши, нималардан баҳраманд бўлиб қолиш керак, деб ўйлайсиз?

— Мақсадим — берилган умр давомида мазмунли ҳаёт кечириш. Ўйлаган ишларим, режаларимни амалга ошириш. Бир кун келиб мени яхши хотиралар билан эслашлари учун из қолдирсам дейман.

— Умрингиз узок бўлсин ва мазмунли ижодингиз билан муҳлисларни хушнуд этишдан асло чарчаманг.

— Раҳмат.

Суҳбатдош: Гулжаҳон НУРИДДИНОВА.

Суратда: «Хамлет» спектаклидан лавҳа. Учқун Тиллаев (чапдан биринчи) Лазерт, Муҳаммадали Абдуқундузов (ўртада) кирол, Тоҳир Саидов Хамлет роллида.

Бир куни...

## КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ

Исм-шарифини ўзгартириб фирибгарлик йўли билан кўпларни қақшатаётган бир аёлни қидириб юргандик. У пойтахтнинг шундоққина чегара қисмида, бир фермернинг уйида эканлиги маълум бўлди. Айтилган манзилга тезда етиб бордик, кичиккина бостирмада чўчка боқилаётган экан. Янглиш келмадиқки, деган хаёл ўтди. Ўзбек миллатига мансуб аёлнинг чўчкахонадан паноҳ топишига ишониш қийин, албатта. Лекин жон аччиғида яшириб олган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки бундай вазиятларга кўп дуч келганмиз.

Чўчкахонага кириб борарканман, бир рус кишига кўзим тушди. У иккита кўлида челақ кўтариб, жониворларга овқат таширди. Мени кўриб саросимага тушди, лекин билдирмаслик учун, тез-тез ҳаракат қилганча, ишини давом эттиравверди.

— Менга Володя керак эди, — дедим унинг ортидан келаётган рус аёлига вазиятдан чиқиш учун.

— Бу ерда Володя ишламайди, анави кишининг исми Вактор, — деди аёл.

Шунда челақ кўтарган кишининг олдида бориб исмини сўраган эдим, у:


— Мен Геннадийман, — деди дудуқланиб ва тезда нари кетди.

Кўзимга таниш кўринган бу одам кўп марта ўғрилиқ қилиб, қочиб юрган Д. Юрий эди. Унинг Россияга кетганлиги ҳақида хабар топилгач, қидирувчи бир мунча мугдатга кечиктирилганди. Рўпарамиздан чиқиб қолиши хаёлимизга ҳам келмаганди. Ана шунақа, гоҳида бирор шахсни излаб юрганингизда, қидирувдаги бошқа бировни учратиб қолсан.

Дарвоқе, фирибгар аёлнинг кўлга тушиши ҳам жуда қизиқ кечди. Бу ҳақда кейинроқ ҳикоя қиламиз.

Мақсуд ЖУМАТОВ,

С. Раҳимов тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, милиция майори.



ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН ИТАЛЬЯНЧА КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Энига: 1. Зебигардон. 2. «Авиа». 3. Раиса. 4. Твен. 5. Пот. 6. Оила. 7. «Ироқ». 8. Фа. 9. Моки. 10. Швед. 11. Цех. 12. Май. 13. Ол. 14. Сим. 15. Марс. 16. Наби. 17. Янгиер. Бўйига: 1. Зарафшон. 2. Евро. 3. Во. 4. Битим. 5. Ел. 6. Авлод. 7. Си. 8. Реакция. 9. Арно. 10. Ем. 11. «Рapid». 12. Диорама. 13. Остона. 14. Ре. 15. Най. 16. Қайс.

МУАММОНОМА

Спорт-саломатлик посбони. (Ибратли сўз).

## КРОССВОРД

Энига: 7. Марварид, дур. 9. Халқ кўшиғи. 13. Сув йўли. 16. Шейрий асар. 17. Ўзбек фалакиётшунос олими, темурийзода ҳукмдор. 19. Шойи толаси. 20. Автомобиль кузови қисми. 26. Фарбий Осиёдаги оролда жойлашган давлат пойтахти. 28. Э. Воҳидов қасидаси. 29. Ҳамсуҳбат, дўст. 33. Асбоб тигини ўткирлаш асбоби. 35. Хонадон.

Бўйига: 2. Сайроқи қуш. 3. Қирқ кунлик давр. 10. Донни туйиш анжоми. 11. Шимол ҳайвони. 12. Тадбир. 14. Европадаги мамлакат. 15. Хоразм йўлларидаги ашулалар ижрочиси, хонанда. 22. «Шум бола» қиссаси қаҳрамони. 23. Кимёвий ашё. 24. Эстрада гуруҳи. 30. Фасл. 31. Билимдон аёл.

Ёйлар бўйича: 1. Футбол жамоаси. 4. Диёнат, инсоф. 5. Ўрта аср тилшунос олими, «Лўнда сўзлар манбаи» изоҳли луғати муаллифи. 6. Ички ишлар ходими. 25. Пуллар йиғиб жамловчи шахс. 27. Аждоднинг ёзма истаги, ҳужжат. 32. Ўзбек халқ достони. 36. Илк ҳосил.

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 8. Темир йўлдаги кўтарма тўсиқ. 18. Фаргона вилояти шаҳри. 21. Миллий ипак газлама. 34. Футбол жамоаси.

Ф. ОРИПОВ тузди.

ЎЗБЕКISTON  
RESPUBLIKASI IIV  
BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:  
700029,  
Toshkent,  
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir  
Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir  
o'rinbosari  
Erkin  
SATTOROV

Mas'ul kotib  
Rahmatilla  
BERDIYEV

Navbatchi  
Qobiljon  
SHOKIROV

Sahifalovchi  
Zokir  
BOLTAYEV

TELEFONLAR:

Bosh muharrir  
o'rinbosari 139-75-69.  
Kotibiyat 139-73-88.  
muxbirlar bo'limi  
139-77-23, 59-27-15.  
Buxgalter 139-75-37.  
Faks 132-05-51.

E-mail:  
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001,  
MFO 00421.

«Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat  
bankining Mirzo  
Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT

AGENTLIGIDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-000271. Hajmi — 4 bosma taboq.  
Bosilish — ofset usulida. 51588 nuxxada chop etildi.

• Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart

• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.

• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:  
Yakka tartibda — 180  
Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.  
Bosishga topshirish vaqti — 20.00.  
Bosishga topshirildi — 20.00.

Toshkent matbaa  
kombinatida chop etildi.

Korxonalar manzili:  
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Internet va xorijiy  
matbuot vositalari asosida  
tayyorlandi.